



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 13-oktabr №40 (4751)

Оқил САЛИМОВ,
академик

ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕК ДЎСТЛИГИ ТИМСОЛИ



Давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсат масалаларида олиб бораётган очиқлик ва шаффофликка асосланган ёндашувларидан келиб чиқиб, ўзбек-қирғиз муносабатлари ҳамкорлигининг турли соҳаларида авваллари ҳаёлга келтириш ҳам мумкин бўлмаган мулоқотлар йўлга қўйилди. Бу ҳол Қирғизистон ҳам аъзо бўлган Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятида, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) томонидан амалга оширилган ва оширилаётган савобли ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жылдги асарлар тўпламининг 9 жылдини қирғиз адабиёти ташкил этгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Албатта, адабий алоқалар ҳақида сўз кетганда, Ўзбекистоннинг улкан дўсти, буюк адиб ва жамоат арбоби, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадри Қингиз Айтматов сиймоси кўз ўнгинизда гавдаланади. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси раҳбари, академик Оқил Умурзоқович Салимов бу йил таваллудининг 95 йиллиги нишонланаётган атоқли адиб Қингиз Айтматов билан ўзбек зиёлилари ўртасидаги ижодий муносабатлар мустаҳкам боғланиб туришига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келганини инobatга олиб, бу мавзуда у киши билан суҳбат уюштиришга азм этдик.

— Оқил Умурзоқович, Сиз Қингиз Айтматовни ёзувчи сифатида танила бошлаган чоғларидан яхши биласиз...

— Тўғри айтасиз. Ўтган аср ўрталарида адабиёт ва санъатдаги схематизмни ёриб ўтишга табиий истеъдоди билан уринган бир қатор ёшлар кириб кела бошлади. Улар сохта ҳамду сано, тўқиб чиқарилган воқеа-ходисалардан кўра кўпроқ ўз кўзлари билан кўриб, ўзлари гувоҳ бўлган нарсаларни қоғозга тушира бошладилар. Бизнинг эс таниб, болаликдан ўсмирликка ўтар чоғларимиз Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган эди. Қингиз Айтматов ҳам бу урушнинг барча кийинчиликларини бошидан ўтказиб улғайган. Кийинчилик кўрган одамлар қаҳри қаттиқ бўлади, деган гап тўғри эмас. Улардаги меҳр ўзгача, ҳаёт шукронаси ҳам шундай. Қингиз ана шу кўрган кийинчиликлари, оғир ҳаёт жабҳасида ажойиб одамлар борлигини топиб ёзди. Қолаверса, адабиётга тоза нафас кириб кела бошлаши билан маданият ва санъатнинг, адабиётнинг бир қилинга тушиб қолганини айтиб чиқадиغانлар ҳам топила бошлади. Бу янгилик эди. Адабиётдаги янгилик эди. Адабиётнинг жамият ҳаётидаги ролидан ташқари, унинг

объекти қандай бўлади, инсонга муносабати ва олиб чиқадиган муаммолари-чи, деган саволларга жавоб излаш имкониятлари юзага чиқишида Қингиз Айтматовнинг ролни катта бўлди. Бу жараёнда эркин ҳаво таъсиридаги ўзбек адабиётига ҳам ўзгача нафасдаги истеъдод эгалари кириб кела бошлади. Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби катта ёзувчилар ҳам илк асарларини ўшанда эълон қилишган эди. Улардаги дадиллик, ўзига хослик дарҳол китобхонлар эътиборини тортиб, ўз мухлислари пайдо бўлди. Қирғиз ва рус тилларида самарали ижод қилган Қингиз Айтматов бу сафнинг бошида турди. Жаҳонга машҳур бўлган чоғида ҳам у ўзбек адабиётини катта қизиқиш билан кузатиб, фикр-мулоҳазаларини билдириб борарди. Ўзаро суҳбатларимизда шу ҳақда кўп гаплашардик.

— У маҳалларда рус тилида ижод қилиш кўпроқ аҳамиятга эга бўлганми?

— Ҳа, шунча. Кўп миллатли давлат ҳисобланса-да, Шўро ҳукумати мафқурасида “совет кишиси” деган тушунча шакланган эди. Рус тили кишилар ўртасини боғлаб турарди. Русул Ҳамзатов рус тилига таржима қилинган шеърлари орқали ном қозониб, Ўлжас Сулаймонов ҳам

шу тилда ижод қилишса-да, миллийликларини йўқотишмаганди. Биз ҳам рус тилида иш олиб борганмиз. Шароф Рашидов ҳам рус тилида иш юритган. Бу ҳодисанинг мазмун-моҳиятига тузук-қуруқ етмай туриб, бугунги кунда негатив муносабатда бўлаётганларни ҳам тўғри тушуниш керак. Аммо гап шундаки, “совет кишиси” тушунчаси мана шу кўп миллатлардан бирорчасининг маҳрамига тушмаган бўлса-да, аҳоли нуфузининг кўплиги ва бошқарув кўлида бўлган Москва-нинг инон-ихтиёрида эди. Шунинг учун, бугун бой берилган бу кишилар русларнинг ўзигина эмас, бошқа миллатлар вакиллари ҳам эди. Қингиз Айтматовнинг, адашмасам, айниқса, Ўрта Осиё республикалари адабиётини тенгдошларидан бир ҳисса устун жиҳати ҳам шунда, давр тақозосига кўра, рус тилида ижодини бошлаганида бўлса, ажабмас. Қингиз Айтматов ана шу мухитнинг фарзанди эди. “Абай” трилогиясини битган улкан қозоқ адиби Мухтор Аvezовни ўзининг устози деб биларди. Қингиз Айтматовнинг жамият ва халқ ҳаётига оид ёрқин фикрларга бой илк асарлари марказий нашрларда эълон қилиниб, кенг жамоатчилик назарига туша бошлаганига рус тилида ижод қилгани таъ-



сири ҳам катта бўлганини инкор этиб бўлмайди. Ёзувчининг машҳур “Жамила” қиссасини шу тилдан машҳур француз ёзувчиси Луи Арагон французчага ўғирди, “Жаҳондаги энг гўзал севги қиссаси” номли мақола ёзди. Унинг бу мақолада Қингиз Айтматовга тан бергани бутун Иттифокка тан бергани бўлган Парижда, киноролл ва инқилоблар маскани бўлган Парижда, хар бир тоши бирор тарих ёки афсонадан шаҳодат берадиган кўп асрли раҳбарлар маскани Парижда, бошидан кўп савдоларни кечирган, кўп нарсаларни кўрган ва билган шу Парижда “Жамила”ни ўқидиму, ногаҳон “Вертер” ҳам, “Вероника” ҳам, “Антоний ва Клеопатра” ҳам, “Манон Леско” ҳам, “Севги тарбияси” ҳам, “Доминика” ҳам — ҳамма-ҳаммаси кўзимга кўринмай қолди. Ромео ва Жульетта ҳам, Паоло ва Франческа ҳам, Эрнани ва Доля Сол ҳам... Чунки мен жаҳонда тенги йўқ энг гўзал севги қиссаси — “Жамила”ни ўқиган эдим”.

— Бу қисса ҳақида турли-туман баҳс-талаш тортишувлар ҳам бўлиб туради.

— Бу ёғи энди мутахассис адабиётшуносларнинг иши. Мен ўзим гувоҳ бўлган Қингиз Айтматовнинг ҳам ёзувчи, ҳам шахс сифатида юксалиб боришидан хабардорлигимни айтаман. Қингиз Айтматов буюк ёзувчи эканидан ташқари, дунёни жуда кенг кўламда идрок этадиган бағрикенг инсон эди. Хабарингиз бор, менга улуг давлат ва жамоат арбоби, ўзбек маданиятининг жаҳонга чиқишини орзу қилиб, ўзи ҳам кўплаб асарлар ёзган, республикамизнинг узок йиллар бошқарган Шароф Рашидов билан ёнма-ён ишлаш насиб этган. Мен идеология масалаларига масъул эдим. Шунинг учун Шароф Рашидовнинг хузурига келиб-кетадиган барча ижодкорлар билан учрашиб суҳбатлашши, уларнинг дарду ҳасратларини тинглаш, амалий ёрдам кўрсатиш каминанинг зиммасида эди. Бир нарсани холисона айтишим керак, Шароф Рашидов адабиёт ва санъатга жуда кенг имкониятлар яратиб берган эди. “Йилт” этган истеъдод учқунининг назаридан четда қолмасди.



АДИБНИ ХОТИРЛАБ



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи ва журналист Ўқтам Усмонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда жамоат арбоблари, таниқли ижодкорлар, ёшлар, санъаткорлар иштирок этди.

Тадбир аввалида адиб қаламига мансуб “Гирдоб” романи асосида тасвирга олинган видеофильмдан парча намойиш қилинди. Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Гафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистонда хиз-

мат кўрсатган журналист Маматкул Ҳазраткулов, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва бошқалар адибнинг ибратли ҳаёт йўли, бетақрор ижодига доир илиқ хотиралари билан ўртоқлашдилар.

— Ўқтам Усмоновнинг “Гулдаста”, “Нотинч кеча”, “Сирли соҳил” ҳақоқлар тўпламлари истеъдодининг бир қиррасидир, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Гафуров. — “Гирдоб” романи эса унинг забардаст ижодкорлигидан далолатдир.

Тадбирда уюшма раиси ўринбосари Ғайрат Мажидов ёзувчининг “Танланган асарлар”и ҳамда “Ўқтам Усмонов замондошлари хотирасида” китоблари нашрдан чиққанини таъкидлади.

Зулайхо АХМАДЖОНОВА

Тошкент шаҳар Олмазор тумани “Қуёш” маҳалласи кутубхонасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов хотирасига бағишланган “Инсон ўзинг” номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

“ИНСОН ЎЗИНГ”

Тадбирни Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонаси директори Зухра Бердиева очди. Унда “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Ахмадjon Мелибоев, таниқли ёзувчи, Олий Мажлис депутати Хуршид Дўстмуҳаммад, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим, Ўзбекистон халқ артистлари Малика Иброҳимова, Гавҳар Зокирова, “Замин” студияси раҳбари, режиссёр Саъдулла Абдуллаев, шоирнинг оила аъзолари ва мухлислари иштирок этди.

Тадбирда Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишланган “Инсон ўзинг” номли китобга қиртилган илмий мақоалар, хотира ва эсселар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Уларда бугунги адабиёт, маданият ва санъат вакиллари, улуг шоир мухлислари ҳамда яқинларининг ҳароратли сўзлари, дил изҳорлари баён этилган.

“ЗАКОВАТ” АДАБИЁТ МАЙДОНИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Адабиёт майдонида “Заковат” интеллектуал ўйини” тадбири бўлиб ўтди.

Ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларнинг сеvimли интеллектуал мусобақасига айланган бу ўйиннинг 1-тур дастлабки беллашуви учун адабиёт дунёсига ўз овози, дадил ижодий қадамлари билан кириб келган энг иқтидорли ижодкорлар танлаб олинди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллект уйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бугун ёшларнинг билим ва тажрибаларини бойитиш ва мустаҳкамлашда дастуриламал бўлмоқда. Мазкур тадбир ёш ижодкор-

ларнинг ўз қобилиятларини ривожлантиришга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди. Унда “Тафаккур қилайлик”,



“Хилол”, “Орион”, “Ёй” жамоалари ўз билимларини синовдан ўтказди.

Завқли кечган “Заковат” интеллектуал ўйинида ёш ижодкорларнинг адабиёт, адабиёт тарихи, ноширлик, маърифий соҳа бўйича билимлари синалди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Boshlanishi 1- sahifada

Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Али, Халима Худойбердиева сингари ёшлар хали элга танилмаган бўлса-да, Шароф Рашидовнинг эътиборидан турарди. Иттифокнинг турли бурчакларидан келадиган машҳур шоир-ёзувчилар ҳам Шароф Рашидов билан кўришишни орзу қилиб, республикамизда ижод аҳли учун яратилган шарт-шароитларни мактаб кетишарди. Ўша пайтларда қардош республикаларда тез-тез ўтказиб туриладиган адабиёт ва санъат делегацияларига раҳбарлик қилиш кўп ҳолларда каминанинг зиммасига тушарди. Шу тўғрисида, тақдир тақозосига кўра, Чингиз Айтматов билан тез-тез кўришиб, суҳбатлашганмиз. Унинг Шароф Рашидов билан дўстона алоқалари мустаҳкам эди. Улар учрашиб қолсалар, турли масалалардаги суҳбатлари кизгин кечар, адабиёт ҳақида марок билан фикр юритганларига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Умуман олганда, Чингиз Айтматовнинг барча суҳбатлари сермазмун, қизиқарли, ҳаётий воқеаларга бой бўларди. Унинг бизга муносабати самимий, ўзбек халқининг ўғмиши улуглиги, бой маданий меросга эга эканини ифтихор билан сўзларди. Биз Тошкентда, гоҳ Москвада кўп учрашиб, ҳамсуҳбат бўлардик. Унинг собиқ иттифок маркази ва республикаларида дўстлари кўп эди. Александр Твардовский, Расул Ҳамзатов, Константин Симонов. Ўлжас Сулаймон, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров,

нибатан интилиш ва кизиқиш нақадар юксак бўлганини кўрсатади. Улуғ ёзувчининг ҳар бир ёзган асари ўзига хос фалсафий ва бадий пафос ҳамда янги шакл ва мазмунда эди. Шарқона рух, халқчил сўз ва содда тил билан фикрини баён этарди. Ҳар бир асарига ёзувчининг юксалишини кўраман.

Мен дўстимнинг асарларини доимо ўқиб боришдан ташқари, газета-журналлар саҳифаларидаги чиқишларини мунтазам кузатириб турардим. У нафақат ёзувчи ва жамоат арбоби, балки иқтидорли ташкилотчи, етук дипломат, билими жуда кенг халқпарвар, фикр-мулоҳазали инсон эди.

Чингиз Айтматовнинг бир оёғи ўз юртида бўлса, иккинчи оёғи Москвада бўларди. У бу бориб-келишларда, албатта, Тошкентни четлаб ўтмасди. Ўзбекистонга кўп келарди. Унинг бу сафарлари давомида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши, фидойи ака-укаларимиз ҳақида ёзган мақолалари марказий нашрларда тез-тез эълон қилиб бориларди. Албатта, бу биз учун фахр эди. Шундай чиқишларининг биридаги, 1988 йилда “Правда” газетасида эълон қилинган “Омонлик дарахти” номли мақоласидаги “Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсири кўхна Византиянинг қадимги Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин. Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзи-

эди. Бу форумда кўтарилган масалаларнинг аксарияти бугунги кун учун ҳам муҳим ҳисобланади.

– **Инсон сифатида Чингиз Айтматовнинг қандай бўлгани ёшларни кўпроқ қизиқтиради.**

– У жуда тантли инсон эди. Нафақат дунё адабиётининг йирик намоёндалари, таниқли давлат арбоблари ва эл назарига тушган улуг шахслар билан дўстона алоқада бўларди, балки турли соҳа вакиллари билан мулоқот қилишни ҳушларди. Инсон кадр-қимматини асосий тамойил деб биларди. У бутун ҳаётини инсоният манфаати йўлига бахш этди. Донишманд Шарқ халқлари кадриятларини жаҳон минбарларига олиб чиқа олгани билан ёзувчи ва жамоат арбоби сифатида номи тарих саҳифаларида муҳрланиб қолди. Чингиз Айтматовнинг матбуотдаги чиқишларидан ташқари, жонли мулоқотларига ҳам талпинувчилар кўплиги шундан эди. Унинг мақолалари чиққан газета-журналларни дўконлардан топиш амримаҳол эди. Одамлар бир-бирдан телефон орқали сўраб-суриштириб топиб ўқишарди. Собиқ иттифокда ўтказилган мажлислардаги Чингиз Айтматовнинг чиқишлари ҳам одамларнинг қалбидан ўрин олар ва унда қандайдир сеҳр бордек кўринарди. Ёзувчининг бу сеҳри инсонлар қалбига яқинлигида,

республикалараро кўплаб амалий ишлар ҳамкорликда бажариларди. Чингиз Айтматов 1995 йилда Ўзбекистоннинг “Дўстлик”, 1999 йилда “Буюк хизматлари учун” орденлари билан мукофотланган. Ёзувчи нафақат асарлари, ўзбек халқи учун қилган олий хизматлари, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун ҳам эъзозланади. Улуғ ёзувчи, етук дипломат, тажрибали ташкилотчи, жамоат арбобини нафақат жаҳон халқлари, Марказий Осиё халқлари ҳам қадрлайди ва номини ҳар

– **Ёзувчи асарларининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида нима дая оласиз?**

– Чингиз Айтматов ўз асарларида инсон муаммоларини ўртага олиб чиққани билан даврдан ўзиб кетганди. Шунинг учун унинг ижодида кизиқиш Европада ҳам жуда юксак бўлган. Акс ҳолда, Европани анча-мунча нарса билан хайратга солиб бўлмайди. Бунинг илдизиди Чингиз Айтматовнинг шахс сифатида бошидан кўп кийинчиликларни ўтказиб, маънавий-э-



ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕК ДЎСТЛИГИ ТИМСОЛИ

Оқил менинг Ўзбекистондаги содиқ, софдил ва тантли дўстларимдан. Оқилдаги ўзбекларга хос нозиктаъблик, дид, самимий бағрикенглик, фаросат, мулоҳазалиликнинг ўзи бир дунё. Шунинг учун ўзбекликни Оқилдан ўрганса арзийди, дейман... Оқил ўзбек халқининг етук академиги, ўз миллатининг фахри. Ишонса, суянса ва алқаса арзийдиган дўст!

Чингиз АЙТМАТОВ, Қирғизистон халқ ёзувчиси.

Мухтор Шаханов билан дўстона алоқаларини узмасди.

– **Сиз ёзувчининг асарлари ҳақида нима дая оласиз?**

– Бу асарлар фазилаги, назаримда, барчага баробарлиги билан ҳам ўлчанади. Оддий ишчи-ю дехқон ҳам, хайдовчи-ю чўпон ҳам, олим уламо ҳам ундан ўзига керакли нарса топа олади. Ҳаёт ҳақида фикрга толдиради. Адабиёт шундай бўлиши керак, деб ўйлайман. Мен сиёсий фаолиятим давомида асосан фан, таълим, адабиёт ва санъат соҳалари билан шуғулланганим тўғрисида бу соҳалар вакиллари билан алоқаларим соз эди. Адабиёт ва санъатга ихлосим ҳеч қачон сўнмаган. Ҳозир ҳам хузуримага шоир-ёзувчилар келиб туришади. Китоб мутолаа қилишга ҳам доим вақт ажратишни асосий бурч ва вазифаларимдан бири ҳисоблаб келганман. Аҳли илм ва ижодкорлардан дўстларим кўп. Қалам соҳибларига ҳурматим ва эҳтиромим чексиз. Чингиз Айтматовнинг “Юзма-юз”, “Жамила” киссалари собиқ иттифок маркази бўлмиш Москванинг ўз даврида таниқли ва ўқишли “Октябрь” ва “Новый мир” журналларида нашр этилган. Бу журналлар бутун иттифок ҳудудига тарқаларди. Унинг обуначилари ва мухлислари жуда кўп эди. Ўша давр адабиётининг илғор ва машҳур ижодкорлари – рус шоири Александр Твардовский, қозок халқининг улуг ёзувчиси Мухтор Авесов, француз халқининг йирик адиби, оташин публицисти Луи Арагон ҳамда буюк бастакор Дмитрий Шостакович кабиларнинг эътиборига тушган Чингиз Айтматов ҳақида барча миллатларнинг адабиёт аҳли ўрта-сида илиқ фикрлар билдирилди. Унинг асарлари миллионлаб нусхаларда чоп этилиб, муҳокамаларга сабаб бўларди. Матбуот саҳифаларида у ҳақда чиқишлар қилинарди. Чингизга асарлари олқиш ва шуҳрат келтирди. Улар кўлма-қўл бўлиб кетарди. Ўша вақтлари Лев Толстой, Эрнест Хэмингуэй, Михаил Шолохов каби ёзувчилар каторида Чингиз Айтматов номини ҳам тилга олишарди. Буларни ёзувчининг бир мухлиси ва дўсти, асарлари шайдоси сифатида хотирлаб тилга олмоқданман. Ўша заманда “Жамила” киссаси нашр қилинган “Юмани-те” газетасида сонма-сон повестнинг бола-ри босилганди. Бу газета икки юз минг нусхада нашр этилар, бу одамларда матбуотга

миз ва юзимиз бўлиб келган. Биз Туркистон тоғлари ва кенг чўллариди бирга яшаймиз. Ўзбек халқи ўзининг гўзал миллий хусусиятлари билан ҳеч қандай шак-шубҳасиз барча тан олган шундай ҳурматга лойиқ”, деган сўзлари, айниқса, ўша пайтларда биз учун жуда муҳим эди. Анча олдинроқ бошланиб, халқимизга жуда кўп азиятлар олиб келган “пахта иши” баҳонаси билан, хизматга тухма қабилда халқимиз номи қораланиб бўлиб қолаётган кезларда бундай гаплар билан марказий газеталарда чиқиш қилиш жуда катта жасоратни талаб қиларди. Бу гапни Чингиз Айтматовдан бўлак одам айтса, қай ҳолга тушишини тасаввур этиш мушкул, аммо уни халқаро миқёсдаги обрў-эътибори сақлаб қолди. Миллионлаб одамларнинг халқимизга муносабати шу мақоладан кейин ижобий томонга ўзгара бошлади.

Адабиёт, маданият, санъат кишиларни бир-бирига яқинлаштиради. Китоблар қалбни поклайди. Инсонни донишмандлик сари етаклайди. Чингиз Айтматовнинг ҳар бир асарида йирик масалалар кўзга ярқ этиб ташланади. Улар дунё аҳамиятига алоқадор ва аҳамиятга. “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, “Кассандра тамгаси” романларида давримизнинг умумбашарий, умуминсоний муаммолари, Она замин, коинот ва башарият тақдирини каби масалалар камраб олингани бу асарларга умрбоқийлик бахш этди. Унинг ҳар бир асарида кўтарилган ва ўртага ташланган муаммоли масалалар дунё аҳамиятига молик эди. Одамларни теварак-атрофга серка қараш ва масъулиятни қалбдан ҳис этиб, табиатга эътибор қилишга чорларди. Шу сабабли, улар китобхон мухлисларнинг сеvimли асарларига айланган.

Чингиз Айтматов Москвада “Иностранная литература” журнали бош муҳаррири, кейинроқ эса собиқ иттифок ҳамда Қирғизистон Республикасининг Люксембург ва Бельгиядаги элчиси бўлиб фаолият юритди. У қаерда ишламасин, дўстларини, таниш-билишларини унутмади, мунтазам алоқада бўлиб турди.

– **Ёзувчининг “Иссиқкўл форуми”ни ташкил этгани ҳам катта воқеа бўлган.**

– Албатта. Бу унинг сая-ҳаракати билан бўлганди. “Иссиқкўл форуми” халқаро тинчлик, ҳамжихатлик ҳаракати, дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда, долзарб ижтимоий соҳаларга таъсири кучли

уларнинг ҳаётдан келиб чиқиб ҳақиқатни баралла айта олишида эди. У ўз даврининг фарзанди, ўша давр идеалларига ҳамроҳанг равишда ижод қилган бўлса-да, истеъдоди юксаклигидан қобилларни ёриб чиқа олди. Кейинчилик, Марказий Осиё минтақаси республикалари мустақил бўлганидан сўнг ҳам мешчанлик, инсоний кадриятларга нописандлик, адолат тамойилларининг бузилишларига қарши у айтган очик-ойдин фикрлар халқларнинг минг машаққат билан қўлга киритган озодлигини қадрлашга ўргатарди. Эркинликка гоҳ бўладиган, ҳар қандай миллатнинг оёғига болта урадиган иллатлар ҳақида изтироб билан ўйларди. Бу ёзувчининг виждони уйғоклигидан, умуминсоний муаммоларга мурожаат қилишидан далолатдир.

Депутат сифатида давр ўзанига сиғмаган сўзларни дадил айта билди. Буни давр ва жаҳият бошқаруви етакчиларига тан олдира билиш учун жасорат ва ақл-заковат, журъат ва матонат лозим эди. Шу ўринда Марказий Осиё республикаларидан СССР халқ депутатлигига сайланган вакиллари мизни эслаб ўтмоқчиман. 1989 йил Москвада Кремль съездлар саройида Чингиз Айтматов ва Одил Ёқубов нутқлари тарихий аҳамиятга молик бўлди. Уларнинг чиқишларида муҳим масалалар кўтарилди иттифок раҳбарларини ҳам ўйлантириб қўйганди. Чингиз Айтматов маърузаси бутун залда ўтирганларни эмас, телевидение орқали эфирга узатилган мажлисни кўраётган барча одамларнинг диққатини торган эди. Бизнинг ажойиб ёзувчимиз Одил Ёқубов дўсти, қадрдони Чингиз Айтматов ҳақида “Чингиз Айтматов – адиб ва чин инсон” номли мақола ёзганидан ҳам хабарим бор. Унда, жумладан, шундай сўзлар битилган: “Умуман, Чингиз Олмонияда биздагидан ҳам машҳур. Ҳатто бизда унча донг чикара олмаган ёзувчининг “Кассандра тамгаси” романи ҳам Олмония ва бошқа хорижий давлатларда жуда катта шуҳрат қозонган, сўнгги бир-икки йил давомида, Ассамблея ишлари сабаб, Чингизни қачон суриштирсам, раффикаси аксар ҳолларда уни гоҳ Олмонияга, гоҳ Парижга, гоҳ Америкага китобхонлар билан учрашувга кетди, деб жавоб берарди. Чингизнинг ўзи эса, бу ҳақида гап кетганида қиёла маъюслашиб: “Эндилликда менинг асарларим ўз элимдан кўра хорижда кўпроқ ўқилади, – деди хўрсиниб. – Чет эл китобхонлари ҳалиям бўлса ҳақиқий адабиётнинг кадрини яхши билади”.

Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси дастлаб “Туркистон умумий уйимиз” шиори остида 1995 йилда ташкил этилган эди. Чингиз Айтматов унга Президент этиб сайланган, Одил Ёқубов биринчи вице-президент ҳамда бошқа қардош республикалардан ҳам унинг ўринбосарлари бор эди. “Байналмилал” дўстлик маркази ҳам Ассамблея билан фаол ҳамкорликда иш олиб борарди. Ассамблея таркибида “Марказий Осиё маданияти” номли халқаро газетаси ҳам бор эди. Ўша газета беш тилда нашр этиларди. Чингиз Айтматовнинг бир оёғи Тошкентда бўлиб қолганди. Ассамблея ва унинг фонди қўллаб-қувватланиб туриларди. Мустақил имконият ва имтиёзлар берилганди. Шунингдек,

лаҳза гурур билан тилга олади. Кейинчилик яхши ният билан қилинган бу бирлик пароканда бўлиб кетди. Мана энди, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлиб келган кунлариданок “Ягона тарих – умумий келажак” шиорини ўртага ташлаб, минтақада бирдамликка даъват эта бошлади. Натижаларни ҳамма кўриб турибди. Дўстим Чингиз Айтматов ҳаёт бўлганида, бу ишлардан жуда қувонарди. Чунки у Марказий Осиё минтақаси республикалари орасида чегаралар бўлишини тасаввурга ҳам сиғдира олмас, ўзаро ҳамкорлик минтақа таракқиётининг, бу минтақада истиқомат қилувчи қавму қариндош халқларнинг бахтли-саодатли ҳаёт кечирилишининг бош омили, деб биларди.

– **Эндилликда юртимизда Чингиз Айтматов хотирасига муносиб эъзоз кўрсатилаётгани ҳақида нима дая оласиз?**

– Қайд этиб ўтганимиздек, Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг бошланишидаёқ кўни-қўшни мамлакатлар билан алоқалар мустаҳкамланиб, уларнинг муносиб фарзандларига эъзоз кўрсатила бошланди. Президентимиз томонидан 2018 йил 2 апрелда “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Мамлакатимизда атоқли адибнинг ижоди ва фаолиятини ўрганиш борасида ўзига хос янги давр бошланди. Ижодкорнинг асарлари мактаб ўқув дарсликларига киритилди. Республикадаги нашриётларда ёзувчининг китоблари қайта-қайта чоп этилди. Республика ҳудуди бўйлаб ёзувчиға бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилди. Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига Чингиз Айтматов номи берилиб, унинг барельефи ўрнатилди. Бу жойлар адиб ихлосмандлари қадами узилмайдиган масканга айланди. Паркент туманидаги 33-сонли умумтаълим мактабида адиб бюсти қўйилди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” деб номланган доимий экспозиция ташкил қилинган. Ҳозир бу маскан музей бўлиб, талабадан тортиб профессор-ўқитувчино, барча-барча мухлисларнинг сеvimли масканига айланиб қолди. Юртбошимиз ташаббуси билан ўтган йили Самарканд шаҳрида “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий таракқиёт ва фаровонлик сари” шиори остида ўтказилган саммит давомида Туркий давлатлар ташкилоти доирасида таъсис этилган Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан туркий дунё бирлигига, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, инсониятни тинч-осойишталикка, бир мақсад йўлида жипслашишга ҳисса қўшгани учун улуг адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовга берилди. Бу юксак мукофот туркий халқларнинг сеvimли ёзувчисиға берилганида ҳаёлимдан академик Рустам Раҳмоналиевнинг қуйидаги сўзлари ўтди: “Туркий дунё Алишер Навоийдан қарий беш юз йил сўнг адабиёт чўққисига Чингиз Айтматовни олиб чиқди”. Унинг сўзларида асос мавжуд.

стетик тамойилларини бошиданок тўғри белгилаб олганида аянам яққол кўринади. У хали жуда ёшлик кезларидаёқ, Қирғизистон ёзувчилари хузурида чиқиш қилиб, айтган сўзлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. “Бизнинг экранларимизда хинд ва араб кинолари тўхтовсиз намоёиш этилади, – деган гапларни ҳам айтган эди у ўшанда, бундан олтмиш йил аввал. – Бунинг ёмон жойи йўқ. Кўплаб томошабинлар уларни оҳ-воҳ деб, кўз ёши қилиб, қайта-қайта муқабил қўришади. Сабаби, уларнинг мавзулари қизиқарли, мусикаси, қўшиқлари ёқимли. Баъзан юксак профессионал талқинлар ҳам учраб қолади. Аммо бадий санъатнинг баланд талабларидан келиб чиқиб, бу фильмларга танқидий кўз билан қарасак, улар ўта жўн, примитив мелодрамалардан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлади. Кўпчилиги арзimas сентиментализм, мешчанлик руҳида сурагга олинган, муҳим ижтимоий муаммолардан узоқ ишлардир. Фильм ижодкорлари қаҳрамонларнинг йиғи-сиғиси билангина чеқлинишади. Бундай энгил фильмлар таъсирида қолиб кетган томошабин дунё кинематографиясининг энг яхши намуналаридан бири бўлган “Яйдок орол” фильмини охиригача кўрмайди, чунки уни тушунмайди, фильмнинг гоёси уларга оғирлик қилади. Бу ерда ажабланишли ҳеч нарса йўқ, гап энгил-елли мелодрамаларга ошиқ бўлган томошабиннинг ички маданияти паст, чинакам санъатни тушунмаслиги ҳақида бормоқда. Адабиётга дахлдор киши бундай тутқунликка тушиб қолса жуда ёмон. Чунки ундан ҳақиқий санъат асарини кутиш қийин”.

Энди шу фикрларни ҳозирги пайтда миллий студияларда яратилаётган, теле-экранларда намоёиш этилаётган, одамларнинг қимматли вақтини олаётган савиясиз кинофильмлар ва сериалларга татқиқ этиб кўринг. Қандай натижа чиқади? Бу ёғи энди газетхонларнинг ўзларига ҳавола.

Оқил Умурзоқович Салимов Чингиз Айтматов ҳақидаги фикр-мулоҳазалари давомида бугунги кунда юртимизда адабиётга берилмаётган эътибор, Президентимизнинг “Адабиёт – халқ юраги” деган сўзлари замирида халқ бадий тафаккури юксалишига қаратилган юксак мақсадлар мужасамлиги ҳақида кўпни кўрган донишманд инсон сифатида сўз юритди. Суҳбатимиз якунида сеvimли “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетамиз номидан мурожаат қилдим.

– **Оқил Умурзоқович, суҳбатимиз якунида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мухлисларига тилақларингизни билмоқчи эдик.**

– Жуда яхши. Бу газета “Ўзбекистон маданияти” номи билан чиқар эди. Шароф Рашидов унинг ҳар бир сонини бошидан охиригача ўқиб чиқиб, ўрни келганда, бош муҳаррирга фикр-мулоҳазаларини айтар эдилар. Газета саҳифаларини кўпайтириб, унинг номини “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” деб номлаш фикри ҳам у кишидан чиққан. Газета юз минглаб нусхаларда нашр этилиб, адабиётимиз ва санъатимизнинг кўзгуси бўлиб келди. Ҳозир ҳам бу шарафли вазифани виждонан бажармоқда. Унинг ўқувчилари юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлардир. Уларнинг барчасига соғ-омонлик, омад тилайман.

– **Ташаккур.**

Мамадали ЭРОНОВ суҳбатлашди.

Кенесбай КАРИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон халқ шоири



ВАТАН ҲАҚИДА

Олам кезиб, денгиз, кўллари кўрдим, Кўз илгамас сахро, чўллари кўрдим, Нур-зиёга ташна элларни кўрдим, Ўзиндан аълосин кўрмадим, Ватан!

Инсоннинг онаси танҳо бўлади, Мардларнинг Ватани якто бўлади, Сен учун юрагим дарё бўлади, Ўзбекистон менга жонажон Ватан!

Дўстлик, бағрикенглик азал-аслингдир, Ўзбек меҳнаткаш халқ – кўли олтиндир, Энг буюк бойлигинг – элинг, халқингдир, Она Ўзбекистон – жонажон Ватан!

ШЕБРАНАДИ

Ёлғизоёк йўлнинг сўнгида Тебранади бир туп карағай. Шамол билан сирлашар танҳо, Окшомлари тепасидан ой.

Қарағайнинг остида битта Бир ўриндик турар мунгайиб. Йўлга дилгир боқар охиста, Васл истар бариси гойиб.

Ўриндикка тил битса бирдан Ғам-гуссасин сўйларди ёна. Қандай айро тушди дийдордан, Тунга айтар эди афсона.

Ох, кечмишнинг тилсиз гувоҳи, Маънос қарар ойнинг нурига. Ким келса-да, очиб кучоғин, Пешвоз чикар у хузурига.

Борсам ҳар гал Дўрмон боғига, Чорлар бир туп карағай мени. Хушвақт дийдорлашув чоғида Шу ўриндик эслатар сени.

Шовуллаиди бир туп карағай, Ўтган кунлар кўшигин айтиб. Олис дийдор кечмиш, хойнаҳой, Билгум, энди келмайди қайтиб.

ҚАРВОН ВА

ИПТ ҲАҚИДА

Ривоят

Катта йўлдан тинмай қарвон, Кеча-кундуз юрар экан. Ола кўппак куйдириб жон, Шу қарвонга хураар экан.

Қарвонбоши ўз манзилин Кўзлаб йўлда борар шошиб. Ола кўппак билмай холин, Хураверар хаддан ошиб.

Бу бир кадамий ривоят, Минг йилларким айтилади. Хой, биродар! Бу чин ҳаёт, Гоҳ-гоҳ унга қайтилади.

Умринг – синов, сирли манзил, Бу йўлда йўловчи инсон. Манзилга етгунча ҳар хил Итлар учрар, бўлма хайрон.

Йўлдан қарвон ўтаверар, Гоҳ сокин, гоҳ жадал юриб. Ҳаёт давом этаверар, Қолаверар итлар хуриб.

Итлик қилиб хурмаса у, Ажабланиб қарар эдик. Гапимизга бериб ургу – Эссиз шу хам итми дердик?..

Шунинг учун ҳар бир замон, Қарвон келиб-кетаверар. Ранжиб хафа бўлма, инсон, Ит-итлигин қилаверар.

НАВОИЙ ҲАЗРАТИ

Ким у – кушлар тилини билган? Сўз ишқиди бағрини тилган, Овозаси бизгача келган, Айтаман, у – Навоий ҳазрат.

Кўли очик, юраги сахий, Бир шоирким, қалби илохий, Яққалам Дун назми саройи, – Ким у? – десанг, Навоий ҳазрат.

Сўз уммонин ўқтам дарғаси, Замон оша ортар ҳаваси, Кўллаб турар бизни нафаси, – Ким у? – айтгай, Навоий ҳазрат.

Қалб сандигин элга очган ким? Сўз дурларин дилга сочган ким? Мол-дунёдан четга қочган ким? – Ким у? – десанг, Навоий ҳазрат.

Доврук солиб элдан элларга, Номи дoston бийрон тилларда, Гул ундирган шайдо дилларда, – Бу ким? – десанг, Навоий ҳазрат.

Турк сулуви сочларин тараб, Оро берса тил лолдир, караб, Хайрон эмиш ажаму араб, – Ким у? – десанг, Навоий ҳазрат.

Сира тинмай юк ортилган нор, Сас-товуши сўнмас жанангдор, Сўз мулкида буюк, бетакрор, – Ким у? – билгин, Навоий ҳазрат.

СИНОАТИ

Ям-яшил барглари сарғайиши бор, Шодликнинг ортидан келар ғам-гусса. Оккан дарё доим оқади такрор, Йиллар ўтган сари чўкқайдир жусса.

“Тонгда чикаман”, деб ботади куёш, Кўнглимни титратар кўзда томчи ёш. Маҳшар куни қайта тирилмоқ аён, Дунёда бир марта яшайди инсон.

ТАВАККАЛА ҚАЙИМИ

Таваккал деб қайикка минган одам Тоқат қилмоқдан йўқ ўзга чораси.

Довулдан елканлар титрагай ҳар дам, Ажал доми – сув билан ўт ораси.

Бўлмаса қайикнинг эшқаги, демак, Бахти – таваккалдир инсон боласи. Қўллоғчи – Аллоҳдан етса гар кўмак, Тўқилмас бошидан бир соч толаси.

АЙПТМА,

ЖИЙЕНБАЙ

Бу дунё нимадир? Қарвон саройми? Келган-кетганлардан хабар сўрайми? Бир фурсат тўхтаб, мен ортга қарайми? Билсанг, жавобини айтгил, Жийенбай. Қани гунча очган гул, баҳор фасли? Кўнгул гулларининг кизил, яшили, Сарғайиб пишди ми кузинг ҳосили? Ортда қанча йўллар қолди, Жийенбай?

Ранжиганмидинг ё десак, ёш шоир, Неларга қодирсан чехрангда зоҳир, Ёш шоир! – биз учун армондир, ахир, Ортда қанча йиллар қолди, Жийенбай.

Адабиёт мисли сирли бир жаҳон, Азалий чин ошик ошгайдир доvon, Элдан олиб элга эдик армуғон, Гоҳо ним, гоҳо кўнгул тўлди, Жийенбай.

Йўл бошлар ҳамиша қарвоннинг нори, Сочимизга кўнди йилларнинг қори, Бузилмасин сира сафи-қатори, Танилдинг энг аввал элда, Жийенбай.

ДУНЁ ИШИ

Эй биродар, англай билсанг, Асли дунё бутун эмас, Бу масканда ҳеч бир кимса Бокий қолар устун эмас.

Бундан қарвон келган, кетган, Доим манзилига етган, Яхши-ёмон – бари ўтган, Дарди олов – тутун эмас.

Ой-кунларнинг пинҳон сири, Тонг отса қамаар бири,

Олтин-кумуш кўлнинг кири, Боғлаб қўйган итинг эмас.

Орзуинг тоғ, ҳавас минор, Сени омад, сабринг синар, Умринг шиша янглиғ синар, Мисли пўлат метин эмас.

Турфа шакли, ранги-туси, Тенг келмас ҳеч тарозиси, Эмассан кўнгул қозиси, Вақт келса юз-бетинг демас.

Гоҳ жаҳлинг, гоҳ келар қуллинг, Тортиб олар берган мулкин, Қўлингдаги қалит-қулфинг Сандигинг ё сейфинг эмас.

Қароматли дунё учун, Кўриб, лол қолдингиз кучин, Кетиб борар қарвон – кўчинг, Бир лаҳза тўхтаинг демас.

ЭЛИМ МЕҲНИТИ

Мерос ота – боболардан, Тилим, урфим, нақлим менинг. Аму сўнги мақон қилган, Қорақалпоқ – халқим менинг.

Сенда томган киндик қоним, Меҳринг симирдим мен қониб, Толеим юлдузи ёниб – Тўғилган юрт – элим менинг.

Босган изим муҳрим – тамғам, Боқолмайман сенга беғам, Қутлуғ шоним, ризқ-насибам, Ота мақон – кўнглим менинг.

Шоир қалбим жон-жаҳони, Мусафодир кенг осмони, Кийик-жайронлар макони, Дашту ёбон – чўлим менинг.

Фидодир юртга жонлари, Одоби қиз-жувонлари, Оқсоқол – қайвонилари, Бағримдаги гулим менинг.

Ҳар гиёҳинг Ҳақдан тортиқ, Одамларинг вазмин, босиқ, Томчи сувинг болдай тансиқ, Чанқаб келсам қўлим менинг.

Қорақалпоқ дер номингни, Ота юртим, элим менинг, Қаримтекли, шонингни, Ёниб сўзлар – тилим менинг.

ДАРҒА

Тошқин дарё, Омонат қайик, Тўлқинлар урилар қирғоққа. Елканлар ҳам қанотин ёйиб, Довуларни чорлар бу ёққа.

Тебранади Қайик бетиним, Ваҳимали увиллар шамол. Булут куннинг юзин бекитиб Яширади бағрига дарҳол.

Кўнгулларда кин ва адоват, Чайқалади тўлқинлар мисол. “Қайик титраб турар омонат, Қочоқларга бўлгайдир тимсол...”

Янграб қолар шу пайт бир овоз, Тўлқинларнинг сасидан ўқтам: – Ўтиринглар! – Вақт тиғиз, оз Фурсат етди, ғаниматдир дам.

Қаршимизда турибди дарға! Мағрур тикилади у кўлга. “Қўл силтанглар хавфу хатарга, Манзил узоқ, шошилинг йўлга!”

Сузиб борар омонот қайик, Тўлқинлар-ки... жунбушли туйғу, Кўнгулларда уйғотиб умид, Чекинади хавотир – қайғу.


Манзил узоқ, сузиш серхатар, Қисмат-азал бизга ноаён. Дилда дардим тобора ортар, Тинчлик бермай қийнар бир армон.

Шу боисдан туриб тонг сахар, Отланаман тагин сафарга. Қўрқитолмас уни хавф-хатар, Йўл бошловчи – Яшасин, Дарға!

Қорақалпоқчадан Очил ТОҲИР таржимаси

Mahorat maktabi

Ўлмас УМАРБЕКОВ



1 Кимнинг овози бу? Ким куйлапти? Булбулмикан сайраётган? Саъвамикан? Булбул эмас сайраётган, саъва эмас, Бай Василнинг гўзал кизи – Атина бу!

2 Бай Василни ўлдиришди. Қоратоғ этагида, маккор ёвнинг ўнтасига бас келди у бир ўзи. Ўн биринчи ёв ташланиб, қилич санчди бағрига... Етти ёшли ўғли Илчо, гўзал кизи Атина ёлғиз уйда ёлғиз қолди, етим қолди иккиси.

3 – Ўғлим, – деди ўлаётиб Бай Василь Илчосига. – Сен етимсан, опанг етим, сўзларимни унутма: ўч олгин сен душманлардан, ҳам асрагин опангни!

4 Бай Василни кўмдилар, Марица қирғоғига. Илчо билан Атина-чи, етим қолди иккови!

5 Кунлар ўтди, ойлар ўтди, Атина – енгил-так киз, оғир жангда ҳалок бўлган отасини

унутди... Қачон кўрманг, деразанинг ёнида, у кўчада. Тоғу тошда акси садо кўнгирак овозида. Кўнгул қўйди Атинага йигитларнинг қачаси. Дейишарди гурур билан: “Ким куйлапти экан? Булбулмикан сайраётган, саъвамикан? Булбул бундай куйлолмайди, саъвалар ҳам! Бай Василнинг гўзал кизи Атина – бу!”

6 Шўрлик Илчо совчилардан гангиб кетди, ахир, деди йигитларга, отасидек салмоқлаб: – Атинанинг ўзида гап, ихтиёри ўзида! Атина-чи? У ҳеч кимни ёқтирмасди, суймасди. Қаҳ-қаҳ уриб йигитларни мазах қилиб қуларди. “Кимга кўнгул кўяркин у, кимга салом бераркин?” Қишлоқдаги бирон одам буни сира билмасди...

7 Кунлар ўтди, ойлар ўтди, йил ўтди. Лаънати ёв яна келди бостириб.

8 Кўчалар қон. Доду фарёд тутиб кетди оламни.

9 “Э, парвардигори олам! Ўзинг мадад бер, босқинчини еримиздан ҳайдайлик”.

10 Ёшу қари жангга кирди... Тангри бермади мадад. Беглар беги қилич солди шафқат қилмай ҳеч кимга! Гўдақларнинг устида у тулпорини ўйнагди, кексаларнинг кўз ёшига парво қилмади мутлак, мевалари хил-хил пишган боғларни пайхон этди, ўт чакнади кўзларида, оғзи олов пурқади, ятағони чакмоқ қақди йигитларнинг бошида, аёлларнинг кўкрагидан қон аралаш сут оқди...

11 Ҳаммасини кўриб турди деразадан Атина, киприқлари маржон тақди аламзада ёшидан. Шу топ нима бўлди ўзи?! Биби Марьям, кўмак бер! Беглар беги дубулгаси учиб тушди бошидан. Кўриб қолди уни ногўх бизнинг гўзал Атина...

– Йигит бўлса шундай бўлса! – деди яшиндек чакнаб. Ҳали бундай лафозатни кўрмаганди умрида. Қошлар худди шоҳи чойшаб гулидаги ёй каби, бургут кўзлар санчилиди ўқдай қизнинг қалбига. Чўчиб тушди киз бечора ва севинчдан бўшади... Ғойиб бўлди жангга кирган йигитларнинг барчаси, қони дарё бўлган Пётр, Стефан ҳам йўқолди, кўнғир сочили Минчо, Генчо, Аспарухлар йўқолди... Қулогига қирмай қолди аёлларнинг йиғиси. Нима бўлди ўзи шу топ? Биби Марьям, кўмак бер!

12 Севиб қолди Бай Василнинг гўзал кизи Атина, севиб қолди отасининг ашаддий душманини, она юрти унга берган нонни

13 Ғайдуқларим, азаматлар, нафратингиз ўринли! Аммо кўшиқ тугамади, кулоқ беринг, тутатай.

14 Оғир жангда беглар беги ғолиб чиқди. Асирлар занжирбанд бўлди. Улжалар хачирларга ортилди.

15 Тўхтанг, тўхтанг! Ким келмоқда? Келаётган ким ўзи? Кампирми у ё бевами ёлғиз қолган бу юртда? Йўқ! Атина, Бай Василнинг гўзал кизи – Атина!

16 Келинчақдай ясанган у. Лаблирида табассум, юришлари товус каби хиромон ва мулоим. Тўғри келди майдонга у, салом берди ғолибга — бекка назар ташлади у оймомодек эгилиб. Кейин деди:

17 Ҳамма хайрон. Ҳатто, бек ҳам хайрон бўлди аввали. Кейин қизни даст кўтарди ва ўтказди олдига, момикдай оқ кўкрагидан бўса олди лаънати!

18 Ох, Атина, ноқобил киз, сени нима жин урди?! Қаердасан, Илчо, отанг хурмати – кўр опангни!

19 Беглар беги ёйдек эгри қиличини суғурди, ботир Илчо шердек бўлиб қаршисига югурди.

20 Олишдилар роппа-роса уч кечаю уч кундуз, қилич синиб, навбат келди, навбат келди ханжарга...

21 Беглар беги отига камчи босди, йўлга тушди асирлар. Қаердасан, Илчо, отанг хурмати — кўр опангни!

22 Олисан отлик кўринди. Қўллар бўлди соябон. Бу – хўрланган ер ўғли! Келаётган бу паҳлавон азамат йигит – Илчо!

23 Девдек наъра торгди, Илчо, беглар беги тўхтади. Атинани титроқ босди, хўжасига ёпишди.

24 – Эй, лаънати беглар беги! Юрак бўлса отдан туш, куч синайлик якка-якка, ё бўлмаса ўликсан!

25 Беглар беги ёйдек эгри қиличини суғурди, ботир Илчо шердек бўлиб қаршисига югурди.

26 Олишдилар роппа-роса уч кечаю уч кундуз, қилич синиб, навбат келди, навбат келди ханжарга...

27 Уқасининг ботирлиги Атинани шод қилди. Кўпик сочди беглар беги дош беролмай хужумга. Боши узра ўйнаб кетди ботир Илчо ханжари. Шу топ... Нима бўлди ўзи?! Биби Марьям, кўмак бер! Лаънати киз қалқон қилди бекка ўз кўкрагини! Юрагини кесиб ўтди уқасининг ханжари... Беглар беги қочди отга камчи уриб кетма-кет. Йиқилди киз.

28 Ох, Марица, Марица, ғамгин ва сокин дарё, қирғоғингдаги қабрлар қимларнинг қабрлари? Гўр бошида дев қалдини букиб йиғлаётган ким?!

29 – Бай Илчо бу. Бай Василнинг содиқ, асл фарзанди. Қабрларда Бай Василь ҳам Атина ухламоқда... Йигирма йил бўлди Илчо хар кун келар бу ерга, қабрларга янги гуллар қўяди-да, йиғлайди.

30 – Ота, мени кечиргил, сен, гуноҳимдан ўтгил сен, севиқли Атинангни асраб қола олмадим!

МУҲАББАТ ҚЎШИҒИ

Никола

харом қилди у, отасини унутди у ва зотини унутди.

13 Ғайдуқларим, азаматлар, нафратингиз ўринли! Аммо кўшиқ тугамади, кулоқ беринг, тутатай.

14 Оғир жангда беглар беги ғолиб чиқди. Асирлар занжирбанд бўлди. Улжалар хачирларга ортилди.

15 Тўхтанг, тўхтанг! Ким келмоқда? Келаётган ким ўзи? Кампирми у ё бевами ёлғиз қолган бу юртда? Йўқ! Атина, Бай Василнинг гўзал кизи – Атина!

16 Келинчақдай ясанган у. Лаблирида табассум, юришлари товус каби хиромон ва мулоим. Тўғри келди майдонга у, салом берди ғолибга — бекка назар ташлади у оймомодек эгилиб. Кейин деди:

17 Ҳамма хайрон. Ҳатто, бек ҳам хайрон бўлди аввали. Кейин қизни даст кўтарди ва ўтказди олдига, момикдай оқ кўкрагидан бўса олди лаънати!

18 Ох, Атина, ноқобил киз, сени нима жин урди?! Қаердасан, Илчо, отанг хурмати – кўр опангни!

19 Беглар беги ёйдек эгри қиличини суғурди, ботир Илчо шердек бўлиб қаршисига югурди.

20 Олишдилар роппа-роса уч кечаю уч кундуз, қилич синиб, навбат келди, навбат келди ханжарга...

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ҲИКМАТИ

Алишер Навоий ижодиётида “ўзликни англаш” – бош масалалардан биридир. Инсон маънавиятидаги ушбу муаммони мутафаккир турли асарларида турлича йўсинда шарҳлагани, тушуинтиришига ҳаракат қилган. Бир қараишда содда туюлган ушбу масала, аслида, мураккабдир. Шунинг учун Навоийнинг бу жумбоққа оид бадиий-фалсафий талқинларини тушуиниши ва тушуинтириши ҳам осон эмас.

Улуғ шоир “ўзликни англаш” масаласини “топмамоқ” – бўлганги тил билан айтади – “англаш” масаласи сўзи билан ифодалайдики, бу ҳол ишнинг янада мураккаблаштирилади. Ҳазилларидан бирида “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмамон” деб ёзади. “Топмамон” сўзи ҳозирда тушунарли бўлмагани сабабли, одамлар мазкур мисрани “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам” шаклида “ғалати машҳур”га айлантириб юбордилар. Нутқларда, мақолаларда, сарлавҳаларда шу хато шакл машҳур бўлиб кетди. Олди одамлар эмас, шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, ҳатто айрим олимлар ҳам шундай қўладилар. Мисра шу ҳолида ҳам жуда гўзал жаранлагани учун, уни қўллаётганлар аслигини кидириб ҳам кўрмайдилар. Демак, ўзликни англаш шу даражада мураккаб ва чуқур жараён эканики, ҳатто Навоийдай буюк мутафаккир ҳам: “Мен ўз-ўзимни англаб ета олмаيمان-ку, эл – бошқалар, халойиқ мени кандай англаб етсин?”, дея ниҳо чекмоқда. “Ўзликни англаш” – ўз-ўзини, ўзликни англамоқ, “ўзликни топмамоқ” эса ўзликни танитиш, англаш ва таълимликдир. Навоий шەриятда “ўзликни англаш” ёки “англаш”нинг бундай шакли кўп мартаба тақдорланади.

“Садди Искандарий” достонининг 63-фаслида мазкур фалсафий-ахлоқий тушунча алоҳида бадиий шарҳланади. Фаслга “Ҳикмат” деб ном қўйилган ва у кўйилган сарлавҳа билан бошланган: “Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, чун инсон дарки мақсуди аслий ҳақиқати гидрокидин муародур, нега сойир ҳайвонотдин мустаснодур” (Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 8-жилд. Хамса. Садди Искандарий. Т., 2011, 397-бет). Сарлавҳа “Ҳикмат” моҳиятини умумий тарзда муқаддас этган. Шу боис, сарлавҳа моҳиятини тўла ва тўғри идрок этиш учун, унинг шарҳига ҳам муҳожат этамиз: “Искандарнинг Арастудин, модомики инсон фаҳми мақсаднинг асл ва тўлиқ ҳақиқатини идрок қилишдан ожиз экан, ўзга ҳайвонлардан не фарқи қолди?” – деб сўраган” (Алишер Навоий. Хамса. Иноят Маҳсум ва Мавжуда Ҳамидова насрий баёни. Т., “Наврўз” нашриёти, 2019, 655-бет).

Матн ўқишли ва кизиқарли бўлиши учун насрий баён муаллифлари услубда илмийликдан биров чекинганлар. Жумладан, “Ўзга ҳайвонлардан не фарқи қолди?” ибораси фикримиз далилидир. Навоий бошқачароқ фикр айтмоқчи бўлган: “Искандарнинг Арастудин саволи шу ҳақдаким, инсоннинг фаҳми аслият ҳақиқати мақсадини аниқлашдан ожиз экан, у нимаси билан ўзга ҳайвонлардан ажралиб туради?” Юқоридаги матнда “дарк” сўзи – “фаҳм ва идрок билан аниқлаш, сезиш, билиш”, “муарро” сўзи – “буш, холи”, “бирор-бир нарса ни фаҳмлаш, идрок этиш қобилиятига эга бўлмаслик”, “мустансо” – “истисно”, “ажралиб туриш”, “имтиёзлилик” маъноларида қўлланган. Энди “мақсуд аслий ҳақиқати” иборасини яна ҳам тушунарлироқ шарҳламоқчи бўлсак, “илоҳиётнинг сир-синоатлари, инсон ва коинотнинг қандай пайдо бўлгани, асл моённинг нима эканлиги, азал ва абад қонуниятлари, яшашдан мақсад нима эканлиги” каби фалсафанинг бош масалалари англашилади. Буларни аниқ, тиниқ, тўлиқ тушуниб етишга, ҳақиқатан ҳам, инсоннинг ақли, фаҳми, идрок ожиз. Лекин у шу ожизлигини билади ва ўшаларни англаб етишга тинимсиз ҳаракат қилади. Сарлавҳада олди эмас, балки илоҳий ҳақиқат назарда тутилган.

Филология фанлари доктори Суворон Мели фаслдаги “Топмамоқ шиддати” иборасини мақсуд мақолада алоҳида талқин этади (Қаранг: “ЎзАС”, 2023 йил, 25 август сонни). Аввало, бир иборани айриб олиб талқин этишга уриниш тўғри эмас ва бу қўйилган натижани бермайди. Чунки бор-йўғи 12 байтдан тузилган мазкур фасл фалсафий фикр-тушунчалар занжирдан иборат. Ана шу занжирнинг бир халқаси узиб олинса, композицион бутунлик, фалсафий-антикий узвийлик барҳам топади. Қолаверса, “Садди Искандарий” достони тўғрисида номзодлик ва док-

торлик диссертацияларини ёқлаган олим Илёс Исmoilov асар композициясини мақсуд ўрганиб, ушбу фаслни “боб” дея ажратиб нотўғрилигини, у жойлашган бобда бундай бир неча қисқа фалсафий фасллар мавжудлигини, уларни ўзаро ажратмасдан, композицион бутунликда тадқиқ этиш тўғри бўлишини илмий асослаган.

Асл моҳиятини очиб учун, лоқал, фаслни тўлиқ шарҳлаш талаб этилади. Фасл диалог усулида ижод қилинган бўлиб, 2 савол ва 2 жавобдан ташкил топган. Искандарнинг дастлабки саволи куйидагича ифодаланган:

**Яна сўрди фармондеҳи ганжпош:
“Ки эй нуктада айлаган ганж фой,
Буким ашрафи халқ инсон эрур,
Ки, Ҳақ сирри зотида нақшо эрур,
Чу ул шамъдин равшан эрмас кўзи,
Ўзи ганжидин воқиф эрмас ўзи,
Недин бўлди бас илму ийқон аро,
Анинг бирла фарқ**

Ўзга ҳайвон аро?”

Ушбу дастлабки саволида Искандар Арастудан сўраётгани, эй нозик маъноларини шарҳлашда билим хазиналарини сочувчи муқаррам зот, модомики жами яратилмишларнинг энг шарафлиси инсон экан (бу ўринда “ҳалқ” сўзи “яратилмиш” маъносига), Ҳақ, яъни Оллоҳнинг илоҳий сирлари фақат унинггина зотида (сийратига) яширин экан, токи Оллоҳ ва унинг сирлари тимсоли – шамдан кўзи равшан бўлмаса, яъни илоҳиётни англаб етмаса, ўзининг руҳиятидаги хазинадан гафлатда қолаверади. Инсоният шундай гоғил ҳолатда экан, ҳодисотни аниқ билиш, аниқ сезиш, аниқ англаб етиш илми (илми ийқон) унинг ҳайвонот дунёсидан фарқи нимада?



Арасту Искандарнинг бу саволига жуда осон ва тушунарли жавоб беради:

**Деги нуктапардозин олий сифот
Ки: “Инсон эрур мудркин куллиёт.
Эрур ўзга ҳайвон бу нишдин бари
Ки, инсон эрур борчанинг сарвари”.**

Нукта, яъни нозик маъноларини заковат билан пардозлаб гапирувчи “олий сифат” ҳаким Арасту айтдики: инсон бутун борликни идрок этиш салоҳиятига эга зот. Ўзга ҳайвонот дунёси бундай салоҳиятдан йиқ. Шу боисдан ҳам, инсон жамики мавжудотнинг сарвари ҳисобланади. Аслида, мана шу гапнинг ўзи Искандарнинг саволига етарли жавоб эди. Яъни Арасту аниқ қилиб айтдики, инсон бутун борликни идрок эта олади. Ҳайвонлар эса бундай салоҳиятга эга эмас. Шунинг учун инсон коинот гултожи, жамики яраткилар сарвари сифатида ажралиб туради. Лекин Искандарнинг саволи бундан-да чуқурроқ моҳиятга эга ва у яна қўшимча жавобни тақозо этади:

**Деги: “Билмасе улча мақсуд эрур
Ки, махфийдур ўзида, не суд эрур?”**

Ушбу байтнинг мазмуни насрий баёнда қандай берилган бўлса, Суворон Мели ҳам уни зикр этилган мақолада айнаён келтиради: “Мақсуд учун керакли билимини киши махфий сакласа, бундан не фойда?” Аслида, байтда бундай маъно ифодаланмаган. Саволнинг моҳияти, бизнингча, бундай: “Инсон “улча”, яъни ўшанча имтиёзи билан ўзида Оллоҳ махфий мужассамлаштирган мақсад-муддаони билмаса, унинг коинот сарвари бўлганидан нима фойда?” “Ўшанча” имтиёзнинг маъноси юқоридаги байтларда ифодаланган эдики, буни насрий баёнчилар ҳам, Суворон Мели ҳам эътибордан қочирган. Инсоннинг “ўзида махфий” имконияти “Ҳақ сирри зотида пинхон эрур” жумласида ақс этган.

Navoiyxonlik

Саволга Арасту бундай жавоб беради:

**Деги: “Улча бордур ўзида ниҳон,
Билурдин фузунроқдур аҳли жаҳон.
Вале мунча билмишки,**

билмайдуру,

**Бу мақсуд дарқини қилмайдуру.
Ўзи билмасин англагон сўзу дард
Ани борча махлукдин қилди фард”.**

Ушбу байтлар мазмунини шарҳлашда ҳам Суворон Мели деярли айнан насрий баёндан фойдаланган. Газетадаги матн билан такқосланг: “Доно айтдики: – Жаҳон аҳли ўзига қанчалик фазилалар беркитилганини билмагани ҳолда, билгандан ҳам афзалроқ ва улутроқдир. Лекин инсон ўзига беркитилганини билмагани, ўз мақсад ва муддаоларини етарлича идрок этмагани ҳолда шунчалик кўп нарса биладики, ўзини ўзи яхши тушулмагани ҳолда англаган сўзлари – сўзлардаги маънолари, муддаолар умидлари уни бошқа барча махлуклардан ажратиб улутроқ туради” (Алишер Навоий. Хамса. Иноят Маҳсум ва Мавжуда Ҳамидова насрий баёни. Т., “Наврўз” нашриёти, 2019, 656-бет).

Лекин мустақил ёндашиб, янги талқин этиладиган бўлса, бошқача мазмун чиқиши ҳам мумкин: “Ўзида қанча сир-синоат яширингани жаҳон аҳлининг ўзи билганидан ортироқдир”. Хозирги тил ўлчамлари билан ёндашиб, Навоий тилини тўғри тушуниб бўлмайди. Кўп талқинчилар шу масалада адашдилар. Навоий тузган бадиий жумлалар бугунги тилимиз андозаларига тушмайди. “Лекин, дейди яна Арасту, инсоннинг қанчалик кўп нарсани билишини билмаслиги, аини пайтда, энг олий мақсад – ўзликни англашнинг фаҳм этолмаслигига сабаб бўлади. Айнан ўзини ўзи билмаслиги, тўлиқ англаб етмаслигини тушуниш, ҳис этиш дарди, ўзликни англаб етиш йўлидаги қуйиб-ёнишлари уни барча махлуклар, яъни Оллоҳ яратган бошқа жонотлардан айриб (фард этиб) қўйди”. “Билмаганини билганим – бўлди менинг донолигим”, дейди Навоий шу маънога уйғун бошқа бир асарига.

Суворон Мели кашф этмоқчи бўлган гоғ қуйидаги байтда мужассам:

Талаб ранжи-ю,

топмамоқ шиддати

Бўдубтур анинг мужибни шавқати.
Байтдан сўнг Суворон Мели: “Байтнинг маъноси насрий баёнда ўта ноаниқ ва сийқа ифодаланган”, деб муаллифлар шайхига қаттиқ гапириб юборган. Тўғри, уларнинг баёнлари нуқсонли, лекин “ўта ноаниқ ва сийқа” эмас-да. Шу нарсани тушуниш керакки, улар яшаган замонда на ўзликни англаш ва на илоҳиёт сирлари ҳақида гапириш мумкин эди. Қолаверса, С.Мели олдинги байтлар шарҳида уларнинг баёнларидан фойдаланди. Бу – уларнинг қарашлари бугунги нуктан назарга батамом терс ёки жуда орқанда эмаслигини билдиради. Ҳолбуки, С.Мелининг ўз талқинида ҳам ноаниқлик, мавҳумлик, умумийлик бор: “Ваҳоланки, мисрада талаб, яъни қатъият билан қилинган истаққа етишмоқ машаққат ва топмамоқ шиддати ҳақида гап кетмоқда”. Байтда умумий “талаб” ва “шидат” ҳақида гап қабатга ниқ. Унда олдинги байтларда изчил ёритиб келинган ўзликни англаш ҳақидаги фикрларнинг ҳулосаси, ечим ақс этган. “Талаб ранжи” деганда инсоннинг ўзига нисбатан ўзликни англаб етиш талаби ва бунга эришишнинг машаққатларини тушуниш мумкин. “Шиддат” сўзи ҳам бугунги маънода эмас. “Топмамоқ шиддати” деганда мутафаккир инсоннинг ўзликни топиш, англаб етиш сари узулқизит иштибли, умрбод матонат (шидат) билан курашишини назарда тутган. Маълумки, инсон жами мавжудот орасида энг матонатли, иродали зот ҳам. У ўзликни топмаса, шу билан қаноатланиб қолмайди, балки сабр-тоқат, матонат билан ўзликни топиш сари давом этаверади. Унинг мана шундай матонатлиги коинот сарвари янглиг шавқатига сабабдир, дейди шоир.

Фаслда яна бир якулиловчи байт бор:

**Недин ўзгалар кўнгида тодубур
Ки, бу дарди ноёб-ноёбдур.**

Ушбу байтда “Ўзгалар” деганда, инсондан бошқа мавжудот назарда тутилган. “Тоёб” сўзи куч-қудратни англатиб (“бетоб”, “тоёб йўқ” иборалари маъносини эсланг), ҳайвонот дунёси қанчалик қувватли бўлмасын, унда ўзликни англаш туйғуси йўқлигини билдиради. Шоир бу ифодалар орқали ўзликни топмаслик, англаб етолмаслик дарди ҳайвонот дунёси учун “ноёб-ноёб” – топишмас хислат эканлигини таъкидлаб, яна инсоннинг фазиладга ягона хилқатлигини сарафроз этади.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори,
профессор**

ЮНЕСКО маълумотига кўра, рус адаби Ф.Достоевский асарлари энг кўп ўқиладиган ёзувчилар сирасига кириди. Унинг романлари (“Жиноят ва жазо”, “Қамбал одамлар”) психологик проза, деб аталган адабий жанр пайдо бўлишига тўртки берган.

БЕДОРЛИК ҚЎНҒИРОҒИ

Ф.Достоевскийнинг ижоди жаҳон адабиётига, жумладан, бир қатор Нобель мукофоти совриндорлари ижодида, шунингдек, файласуфлар Фридрих Ницше ва Жан-Пол Сартрга, ҳатто, айрим Европа киролларига ҳам таъсир ўтказа олган. Экзистенциализм деб номланувчи фалсафий йўналишнинг шаклланишида ҳам бу рус адабининг ҳиссаси қатта. “Ака-ука Карамазовлар”, “Жиноят ва жазо” романлари ушбу фалсафий йўналишнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Ёзувчи вафотидан сўнг рус адабиётининг мумтоз вакили ва жаҳон миқёсидаги романнавис сифатида тан олинган.

Замондошлари “Ғарб виждони” деган шарафли ном берган Альбер Камю Достоевский асарларини, жумладан, “Ака-ука Карамазовлар” романини француз тилида сахналаштирган ва ўзи Иван Карамазов ролини ижро этган. Альбер Камю “Ака-ука Карамазовлар” романи қаҳрамони Иван Карамазовнинг “Ҳамма нарса мумкин” деган сўзлари – эркинликнинг ягона ифодаси”, деб ёзган эди. А.Камю ўзининг асарларини ҳам Достоевскийнинг асарлари таъсирида яратган. Ўзининг “Бегона” романи қаҳрамони Мерсонни “иккиланмасдан Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романидаги Раскольников ёнига қўйиш мумкин”, деб ёзган. Унинг таърифига, “Улар ўртасидаги ягона фарқ шундаки, Мерсо нима мумкин, нима мумкин эмаслиги ўртасидаги чегара ҳуусида бош қотирмайди, руҳсат берилган ва таъқиқлаб қўйилган нарсалар ҳуусида ўйлаб ҳам кўрмайди, ўз-ўзидан тушунарлик, эркин инсон учун ҳамма нарса мумкин! У мутлақо эркин, унга ҳамма нарсага мумкин. Раскольников эса бу ҳақда кўп ўйлайди”. Шунингдек, Камюнинг “Қалигула ва киморбоз” пьесаси Ф.Достоевский ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан боғлиқ.

XX аср француз адабиёти ривожига, французларнинг бир неча авлодининг ақлий тақомилига сезиларли таъсир этган ёзувчи ва драматург, Нобель мукофоти совриндори Андре Жид ёзади: “Толстойнинг улкан сиймоси халигача бутун уфқни қоплаб турибди, аммо тоғдан узоклашганимизда бизга яқин турган қоядан ҳам баландроқ қояни кўришимиз мумкин бўлганидек, кўплаб доно одамлар Толстой сиймоси ортида Достоевский сиймоси ҳам яққол кўришиб турганини ҳис эта бошладилар”.

Немис файласуфи Зигмунд Фрейд Достоевский асарларида бир қаҳрамоннинг қалбиде ёзувлик ва эзулик, муҳаббат ва нафрат жуда хавфли тарзда ёнма-ён келиши, жиноятларни ахлоқий жиҳатдан оқлашдаги зиддиятлар уни лол қолдиришини таъкидлаб, ўз асарларининг бош мавзусини рус адабидан олганини айтиб ўтган.

Чингиз Айтматов Ф.Достоевскийнинг 150 йиллик юбилейи тантаналарида эълон қилган мақолаларида бирида Достоевский ижодиётининг аҳамияти хозирги кунларда дунёда тобора юксалиб бораётгани, ёзув кучлар қутуратган бир даврда одамга ачинаши, инсонни ҳалоқатдан асраш гоғларини муҳим аҳамият касб этиб, дунё бўйлаб кенг ёйлаётганини алоҳида таъкидлаган эди.

Достоевскийнинг теран фалсафий гоғлар ва нозик руҳият мезонлари билан суғорилган асарларини



ўқиш асносида китобхонлар бундай асарларни фақат ўз бошидан оғир кунларни кечирган, кучли изтиробда ёниб тобланган инсонгина ёзганига амин бўладилар. Унинг асарлари руҳияти кўрқинчли даражадаги реаллик касб этади, чунки муаллиф яратган драматик ва фожиавий сахналар унинг ҳаётидаги воқелиқлар эди.

Ф.Достоевскийнинг умри жамятини инсоний қилиш орзусида ўтди. Табиийки, китобхон мутлақ эркинликка эга: у ёзувчининг гоғларини тан олиши ёки уни инкор этиши, ёзувчи билан баҳслашиши, ўз ҳақиқатини исботлаш ва шу аснода ўзи учун нимадир олиши мумкин. Достоевскийнинг даҳолиги шундаки, унинг нуктан назари аниқ, аммо у ҳеч қимми ўз фикрлари ва гоғларини шак-шубҳасиз қабул қилишга мажбурламайди, ўқувчига эркинлик беради. Унинг учун китобхон ёзувчи гоғларини сўзсиз қабул қилиши ва унга эргашини эмас, балки кишиларнинг локайд бўлмаслиги муҳимдир.

Дарҳақиқат, буюк мутафаккирнинг фикрича, ахлоқсизликнинг барча кўриниши, бошбошдоқликнинг турли тарзда авж олиши жамятда ялли локайдлик кайфиятининг илдиз отишдан келиб чиқади. Ўйлаб кўрсак, бугунги кунимизнинг энг қатта муаммоси ҳам жаҳон халқларининг локайд бўлмаслиги билан боғлиқ. Шу маънода Достоевский ижодини бир сўз билан бедорлик кўнғироғи дейиш мумкин.

Adabiy-badiiy nashrlar

“Жаҳон адабиёти”

2023 йил, сентябрь сонни

Журналнинг илк саҳифаларида анъанавий “Навоий сабоқлари” рукнида ҳазрат Алишер Навоийнинг “Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж” мисраси билан бошланган газалига (“Ғаройиб ус-сифар”, 92-ғазал) Олимжон Давлатовнинг шарҳини ўқийсиз. Газалининг инглизча таржумаси ҳам берилган (таржимон Қосимбой Маъмуров).

Атоқли немис адаби Эрих Мария Ремарк ҳикоялари (немис тилидан Сарварбек Олимжонов таржимаси) Биринчи жаҳон уруши қабохатлари ҳақида. Уларда муаллиф урушнинг нафакат инсон жисми ва руҳиятида, балки табиатда ҳам қолдирадиган аянчли оқибатларини маҳорат билан тасвирлаган.

Албан халқ оғзаки ижоди миллатнинг қадимги тарихи, буқимлас иродаси қуйланган достонлар, шеърлар ва қўшиқларга бой. Яхё Тоға таржимасида улардан айрим намуналар билан танишасиз.

Узоқбой Пиржононинг “Оқтоқ остидаги оқшом” номли киссаси (қорақалпоқ тилидан Шойим Бўтаев таржимаси), аргентиналик машҳур адиб Арольдо Континнинг “Юлдузлар сари уч” номли ҳикояси (таржимон Рустам Мусурмон), хинд файласуфи Ошонинг “Жасорат” асари журналнинг ушбу сон мундарижасини бойитган.

Газетанинг ўтган сонига, биз таъбиқ қилган ҳазрат Алишер Навоийнинг “Сабаби сайёр” достонидан парча ўрнига, айрим техник сабабларга кўра, “Фарҳод ва Ширин” достони таъбиқидан парча кетиб қолди. Ҳолбуки, бу таъбиқ аввал ҳам берилган эди. Техник камчилик учун газетехонлардан уэр сўраймиз.

Манзар АБДУЛҲАЙРОВ

Jahon adabiyoti

Ф.Достоевский инсон қалби тубсиз уммонлигини ва чексизлигини кўрсатиб берди, энг буюк сир-синоат – инсон эканини ҳис қилган ҳолда, асарларида инсонни кашф этишга ҳаракат қилди. Асарларида бирида у бир инсон шахсида пастқашлик ва юксалик, нотаволлик ва буюклик, разиллик ва олижаноблик мужассам бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг романлари инсон қалбидеги зиддиятлар ҳақида. Бошқа ёзувчилардан фарқли равишда, Достоевский ёзув ёки меҳрибон образлар шаблонини яратмаган. У инсон қалбиде иккиланувчи ҳиссиётлар мавж уришини кўрсатиб берди. Раскольников, Настасья Филипповна, Аглия каби қаҳрамонларида ёзувчи ва ачинаши ҳисси, уят ва оғриқ, муҳаббат ва нафрат каби ҳиссиётлар жам бўлганини кўради. Айнан мана шу жиҳат Достоевский асарларида қалбларни забт этиш воситаси ҳисобланади. Китобхон асар қаҳрамонларида ўзларига ўхшаш жонли одамларни кўради.

Адиб асарларининг сюжетини ҳам, худди ҳаёт сингари, олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Бу гўёки бир занжир – олдинга ва ортга ҳаракатланиши асносида баъзан нажот, баъзан завол топиши мумкин. Бугунги кунда дунёдаги фожиага айланаётган воқелиқларни ёзувчи олдиндан башорат қилгандек.

Дарҳақиқат, айнан XXI аср муаммоларига жавобни Достоевский асарларидан топиш мумкин. Зеро, ёзувчи фикр юритган айрим масалалар хозирги кунда ҳам долзарб ва улар, айтиш мумкинки, тобора кескинлашиб бормоқда.

Яна бир мисол, “Иблислар” романи қаҳрамонлари “Бутун дунёни энгмоқчи бўлсанг, аввал ўзингни энг”, деган гапни бир неча марта тақдорлашади. Бу сўзлар кўпчиликнинг муаммоси учун жавоб сифатида қадрланади. Зеро, ҳеч қандай буюқ гоғ ахлоқ ва виждондан воз кечишдан устуён эмас. Фақат ўз устиде ишлаш, ўз сўзлари ва хатти-харакатлари учун жавобгарлик ҳиссини сезиш, ўз шахсини ҳурмат қилиш орқали ўзгалар шахсини ҳам тан олиш билан “Ўзликни саклаб қолиш”, “яхшилик тарафдорига айланиш”, ҳеч бўлмаганда, яқин атрофдагилар ҳаётини ўзгартириш мумкин.

Мақоламизни Чингиз Айтматовнинг даҳо адиб Ф.Достоевскийнинг таърифига бағишлаган мухтасар фикрлари билан якунлашни лозим топдик: “Достоевский, мен учун нафакат аввалгидек қолган, балки янада улутлашиб, кўз ўнгимда улканлашиб бораверади. У яшаган даврлар ўтди, зулматга чўмган ҳаёлий Петербург ўтмишга фарқ бўлди, аммо Достоевский яраткилари, асарларининг руҳи, сўзлари бизни ҳамон ҳаяжонга солаверади, тинчлик бермайди. Достоевский – виждонни уйғотувчи беором қалб, уни ўқиб осон эмас, чунки у сени ўзликнинг, моҳиятингга, виждонингга қайтаради”.

**Баҳодир РАҲМОНОВ,
Анджон давлат университети
профессори**

Жапон маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган Инглиз ёзувчиси Уильям Шекспирнинг барча замонларга долзарблигини йўқотмайдиган, гоё ва мавзуси, равои тили, халқчиллиги билан қадрли бўлган шоҳ асарлари ўзбек театр санъати ривожига улкан аҳамият касб этиб келаётгани айни ҳақиқат.



Ўзбек миллий кўғирчоқ театрининг 84-мавсуми Шекспирнинг “Ҳамлет” асари асосида тайёрланган спектакль билан очилди. Мамлакатимизда “Ҳамлет” трагедиясининг илк кўғирчоқ намунаси, шунингдек, катталар учун кўғирчоқ спектакли сифатида тақдим этилиши, Ўзбек театр санъати тарихида мисли кўрилмаган воқеалардан бирига айланади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шомурод Юсупов бу мумтоз асарнинг асл кимматини сақлаб қолган ҳолда, кўғирчоқлар орқали улкан гоёларни таранум этишдек машаққатли ва маъсулятли вазифани муваффақият билан амалга оширди.

Максуд Шайхзода таржимаси, Ш.Юсуповнинг адабий таҳрири асосидаги сахна асари трагедиянинг асосий воқеаларини қамраб олган. Саҳналаштирувчи рассом В.Апунтин, рассом М.Рўзиметова, хореограф О.Останина каби ижодкорларнинг муваффақиятли ижодий ҳамкорлиги спектаклнинг бадий яхлитлик касб этишига хизмат қилган. Томоша давомида таникли композитор Д.Шостакович мусикаларининг энграб туриши спектаклга алоҳида руҳ бахш этди. Спектаклнинг бадий ечимида пантомима жанри етакчилик қилади. Саҳна макони, мусикий оҳанглар, кўғирчоқлар тимсоли, бошқариш техникаси ва ҳатто либосларда ҳам бетакрорлик, профессионал ёндашув сезилиб туради. Томошада планшет кўғирчоқлар, никобли ва жонли пландаги актёрлар ижросидан унумли фойдаланилган. Ҳар бир кўғирчоқ-қахрамон никобининг бадий образи – типик, ҳаётий ва характерли, ҳаракат қилиш имконияти, имо-ишоралари ифодали. Ҳар бир кўғирчоқ уч ёки ундан ортик актёрлар бошқарувиغا мослашган бўлиб, бу ишга актёрлар ижодий жамоасининг машаққатли меҳнати сингганлиги яққол кўзга ташланади.

Маълумки, “Ҳамлет” фожиаси фалсафий гоёси, мураккаб мавзу ва серкирра характерларга эгаллиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Жаҳмиётнинг энг йирик муаммолари – тарих, давлат, сиёсат, фалсафа, ахлоқ, дин масалаларининг қамраб олингани ва буларнинг баъзи персонажлар кечинмалари орқали бадий тилда ифодалангани асарнинг таъсирчанлигини оширган. Саҳна асарида айнан мана шу кирраларга алоҳида ургу берилди. Спектакль воқеалари ноодатий топилмалар ва рамзий ифодалар намоиши билан бошланади.

Қонли йўлни акс эттирган кизил нарвонлар, уларнинг турлича ҳаракатланиши ва бирлаштирилиши гўёки издан чиққан давр, маънавий танглик, этикодсизлик, одоб-ахлоқ меъёрларининг бузилиши, илмсизлик каби салбий иллатларни ифодалайди. Бу тасвирнинг аниқ кўриниб турган маъноларидан бири. Чунки спектакль кўлаб белгилар ва тафсилотларга ниҳоятда бой. Бу, албатта, рамз ва метафоралардан мохирона фойдалана билдирган режиссёрнинг томошабинни мушоҳадага ундай оладиган яна бир ўзига хос кашфиётидир.

...Саҳнада тахликали мусика янграйди, зулматга ботган, мотам нафаси хали сўнмаган, бўғик мухитда ёркин ва нафис либослардаги кўғирчоқ-қахрамонлар тасвири гавдаланади. Бу тасвир мансаб, бойлик, хирс, хою хаваснинг адолат, вафо, меҳр-оқибат устидан ғалаба қозонаётганини кўрсатади. Гертруданин Клавдий билан бахтдан сархуш ўтирганини кўрган Ҳамлет ўзича хитоб қилади:

Нега шундай? Бу ҳолнинг босиш нима? Ўлганига икки ой тўлгани ҳам йўқ.

Ана подшоҳ, қуёшнинг ёркин шуъласи. Унга қиёс этилса – бу паст бир хайвон Ох хотинлар... номингиз

бевафолкидр!
Йигитнинг онаси ва амакисига нафрати тобора илдиш ота бошлайди. Марҳум киролнинг руҳи орқали отасини амакисини ўлдирганининг эшитган Ҳамлет дунё ишларидан хайратга тушади:

Эй замин, эй осмон! Яна ким тинлар? Балки дўзах қучоғи! Чндаб тур юрак! Оёқларим рост туринг, асло букилманг! У дедик – “унутма” – сени унутмоқ?! Модомики, қаллада яшар ҳотирга, Модомики, эсим бор, сени унутмам. Эй ярамас, паст хотин, эй балзод махлук!

КЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА ШЕКСПИР АСАРИ

Ушбу спектаклда Ҳамлет ва арвоҳ ўрта-сидаги илоҳий сахна ўзгача руҳ ва ноодатий ифодавий ечимга эга. Нур ва соялар, оҳанг, мусаффо осмон тасвири ва жонли пландаги марҳум тимсоли фиску фасоллар, хийла-найранглардан қора либосга бурканган дунёнинг ташвишларидан озод бўлган қалб эркинлигини ифодалайди. Ҳамлет актёрлар ёрдамида томоша уюштириб, Клавдийнинг қотил эканига ишонч ҳосил қилади. Мазкур томошадан сўнг Ҳамлетнинг кўзлари очилади ва атрофга ўзгача нигоҳ билан боқади. Бўлиб ўтган дахшатли воқеалар уни адолатсизликка, вайрон бўлган мухитга қарши курашга чорлайди. У узок вақт давомида ўзининг чалкаш, мураккаб гоёлари, тушунчалари ва ўзи билан курашади. Ҳамлетнинг ҳатти-ҳаракати режалаштирилган қасос ҳамда сўнган истак билан боғлиқ мураккаб фалсафий-ахлоқий тушунчаларни намоён этади. Бошига тушган қайғу ўзгаларнинг ҳам бахтсизлигини англаб етишига сабаб бўлади. Унинг шахсий қайғуси инсоният фожиаси олдида ўз ахамиятини

йўқотида ва бу фожиа бегуноҳ Офелиянинг тақдирига ҳам бевосита алоқадор. Гертруданин вафосизлиги, қасос алангасининг кучи Ҳамлетни Офелиядан узоклаштиради. Офелия аччиқ қисматнинг қурбонига айланади. Мана шу кечинмалар кўғирчоқ-актёрлар томонидан мохирона кўрсатиб берилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист М.Игамназарова Офелия образини маъсума, ҳаётга чанқок, содда ва таъсирчан оғизга сифатида гавдалантиради. Актриса қахрамонига хос мураккаб кечинмаларни ўта таъсирли ва эхтиросли ифодалайди. Айниқса, Офелиянинг ақлдан озми саҳнасида актриса маҳоратининг ноёб кирралари намоён бўлади.

С.Жўраев ижросидаги Ҳамлет образи спектакль воқеалари давомида ривожланиб, ўсиб боради. Қахрамоннинг ҳолати, овоз товланишлари, хис-туйғулари унинг рад этилгани ва жаҳмиётга қарши турганидан сўзлайди. Актёр Ҳамлетни ақли



касоскор сифатида ҳаракатлантиради. Унинг бу хислати Лазрт билан жанг сахнасида яққол кўзга ташланади. Ушбу жанг сахнасининг янада жонли чиқишини таъминлаш мақсадида режиссёр қахрамонларни жонли планда гавдалантиради. Қизгин жанг адолатсизлик ва гирромлик асосига қурилади. Лазрт, Гертруда ва Клавдийнинг хийла-найранги оқибати-

да ҳалок бўлади. Жудоликдан таъсирланган Ҳамлет Клавдийнинг қўқига ханжар уриб, ўзи ҳам қасоснинг қурбонига айланади.

С.Рўзиқулов (Клавдий), Ш.Ишмухамедова (Гертруда), О.Исоков (Полоний), О.Абдубоев (Лазрт), А.Ахадов (Розенкранц), Ш.Жабборов (Озрик), О.Отабоев (Гурков), Т.Турдимуродов (Волгиманд), Қ.Давлатов (Бернардо) каби актёрлар равои нутки, гап-сўзларининг ифодавийлиги ва таъсирчанлиги, ҳатти-ҳаракатларини қалб кечинмаларидан ўтказиб ижро этганлари боис асар қахрамонлари томошабин кўз ўнгига ниҳоятда жонли гавдаланади. Улар ўз ижроларида буюк адиб асаридagi сўз қудрати ва тил бойлигини тўлалигича етказиб бера олган.

Маълумки, Шекспир қахрамонларини гавдалантириш, уларнинг мураккаб, дард ва хис-сиётларга лиммо-лим қалбларини кўра олиш ва кўғирчоқлар воситасида томошабинга етказиб бериш ҳар қандай ижодкордан улкан машаққатли меҳнатни талаб этади. Шу маънода асарни саҳналаштиришда қатнашган барча ижодкорларнинг, биринчи навбатда, режиссёрнинг журъати ва меҳнатига тан бериш керак. Зеро, спектакль ҳар томонлама бадий яхлитликка эга. Саҳна безаклари, чирок, мусика, либослар ва шу каби турли ифода воситалари ўртасидаги мутаносиблик асар мухити, воқеалар силсиласи ҳамда қахрамонлар характерини, ички оламни очишга хизмат қилган. Эътиборлиси шундаки, ижодкорлар тасвирий ва бадий воситаларнинг янги шакли орқали яна бир бор томошабинларни Шекспир қахрамонлари билан ошно бўлишга, унинг поэтикаси ва мушоҳадалар силсиласини англашга чорладилар. Зеро, “Саҳна санъатининг мақсади – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, актёрлар эса замон тарихининг жарчилари”, деган эди буюк драматург Уильям Шекспир.

Малоҳат ТУРОБОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти таянч докторанти

Festivaldan kyeyingi o'ylar

Кўқон шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон хунармандчилик фестивали ушбу шаҳарга жуьда ярашди. Аввало, ярашиқлик бу байрамни жерий қилганларга тасанно – дунёнинг етмиш юртдан нечалаб хунарманди ўзбек заминига юзлаштириш ҳар қандай эътирофга сазовор.

“САНИ ЧОРЛАЙ САОДАТГА...”
Мухташам Ўрда майдонида қўша-қўша карнайлар навбатланиб садо берди. Дарвоза ланг очилиб, ичкаридан бошида ўзбек хунармандлари тепчиған марғилон дўппи-оғнида оппоқ яхтак устидан нақшин кийик боғлаган азаматлар Ўзбекистон байроғи, Халқаро ташкилотлар ва тадбир қатнашчиси бўлиши давлатлар байроқларини даст тутганча шаҳрам чиқиб келдилар. Нуфузли зотларнинг табрик сўзларидан сўнг театрлаштирилган катта концерт бошланди. Тор узра камон тортилди: мохир камончи, Ўзбекистон халқ артисти Абдухалим Исмоилов ўзига хос бадиха ижроси билан Ўрда дарвозасидан кириб келди.

Кўқонарава, кўза, соз дастаси, нақшланган бино дарчалари, адрас – миллий хунармандчилигимизга ишора тарзида ишланган декорация ўртасида экран ўрнатилган. Ундан сал нарида пешайвон, бунда хунармандлар иш билан банд: гиламдўз гилам тўкиган, ёғоч усталари эшик табақасига нақш ўйган... Икки томондаги экранларда Кўқонарава кўринади. Сўнг бозор, гузар, хунармандлар, файзли чехралар. Туркистон манзаралари, хон Ўрдасининг ўтмишдаги қиёфаси.

Гийжак ноалари ортидан ўзбек мато усталари тўкиган бекасамдан эгнига тўн илган зарбадаст ҳофизлар оҳиста одимлайдилар: катта ашула янграйди. Жанда кийган издошлари қуршовида Ўрда дарвозасидан тушиб келган Машраб бобо хитобидан сўнг водийнинг оташна-фас хонандаси Отабек Мухаммадзоҳид “Кел, эй дунё!” дея муридлар тўпини, ёриб шитоб билан ўртага тушди... Иштирокчи давлатлар номлари туширилган фестиваль тўғлари майдонни тўлдирди – келди дунё.



ганча файзу тароват билан пешвоз келадилар...

Ана, Муқимий, Фурқат, Мухий, Завкий, Нодим, Хазиний, Амирий, Фурқат, Чархий, Ҳамза... саф бўлиб келаётдилар. Кўқон адабий мухити улар туфайли шуҳрат топган. Ана, буюк астроном, математик ва географ Ахмад ал-Фаргоний ўзининг залворли илмий кашфиётларини башариётга тақдим этмоқчи. Алломанин оламга китоб узатиши, илмий асар саҳифалари кат-кат бўлиб раққосалар канотлариди ақсланиши... қандай гўзал топилма...

Дарвоқе, рақс. Ҳар бир мусикий композиция учун махсус саҳналаштирилган рақслар – уларнинг ҳар қайсиси ҳақида алоҳида ёзиш мумкин. Либослар хусусида ҳам худди шундай. Чопон, чакмон, аҳо, кабо... Чўғирма, гиламдўппи, марғилондўппи, чустдўппи... дакана рўмол, шол рўмол... Либослар-

ни зийнатлаган кашталар... Барчаси хунар маҳсули...

ТАРОНАЛАР БАЗМИ
“Хунардан унар” фалсафасини сингдирган сахна томошасининг бадий фасллари – оҳангу усулларда водию воҳанин бор колорити ярақлаб, жилланиб турибди! “Қуйла, дилкаш дуторим”ни йигит-қизлар талашиб айтдилар, орада “Кўчалар”ни улаб ўтдилар... Бу тароналар базмидан янаям ўзбеклашасан. Фурқат,

КЕЛ, ЭЙ ДУНЁ!

дунда туғилган бола борки, эсини таниганидан соз ясашга тутинади. Доира ва дутор-танбур миллий мусиками рамзи ҳисобланади. Дутори кизлару доирадаст йигитлар чертимларидан роҳатланар эканман, шулар ҳақида ўйладим ва ким эканки, шу жиҳатларнинг билким-донин ўлароқ, сахнага шу жўшқин бадий сафни яраштирибди, дея астойдил завқландим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат

Нодира, Увайсий, Муқимий сўзлари билан айтилаётган ашулалар Хўқанди лағифнинг тарихий-бадий кечмишини янгидан жонлантиради.

КУЙЛА, ДИЛКАШ ДУТОРИМ!
Дилкаш дутор садоларига шапамоги жарангдор йигитларнинг доиралари жўр бўлди. Маликаҳоннинг қизлари Саидкамалхўжанин йигитларига бўш келарканми! Дуторчилик ва доирачилик мактабларининг муносиб тақдими бўлди! “Дилхирожу”, “Гала, Лайлим”, юракни яйратадиган халқ термаларидан иборат ажаб попури кўнгилларга сурур бағишлади.

Экранда эса атоқли созгар бобо дутор ясамоқда... Бу табаррук устaxonага не-не санъаткорлар кирмаган. Бу пирхонада тайёрланган созлар ҳали усталарининг ўзи қадам босмаган юртларга ҳам етиб борган. Ҳозирда машҳур созгар Уста Усмон Зуфаров сулоласининг тўртинчи авлоди шу ерда соз ясапти. Бу хона-

ми келишган қорақалпоқ сулувлари кўриниш берадилар. Йигитлар депсиниб ўйнайди. Нарирокдаги кенгликда бир гала азаматлар ўтов тика бошлайдилар. Сулувлар чавандозларга сув тутуди... кейин яна кўзаларини сувга тўлдирдилар. Ўтов тайёр: абжир йигитлар қизларни ўтовга кузатиб қўядилар. Ўтов айланади... айланади... Сўнг бояги сулувлар Сурхоннинг шўх-шодон қизларига айланиб, ёркин кашта урилган майсаранг либосларда кўғирчоқдек ясаниб чиқадилар.

...Айғирлар тулпорларга айланади. Дўмбира чертилиб, бахшилар йўлида тошқин терма ижро этилади: “Кўнгирутга кўниб ўтган дўмбирани!” деган жойлари қулоғингда қолади. Жўшқин йигит-қизлар сурхончасига давра қуриб, “яққуяк!”лаб яйраб рақс тушадилар. Экранларда жануб хунармандларининг кашта солиши. Ажойиб!

ТҶЙЛАР МУБОРАК!
Театрлаштирилган томоша замирига ҳаётий бир фалсафа сингдирилган эди: хунардан унар. Ошиқ йигит, хунарсиз кишига турмушга чикмайман деган қиз, унинг кўнглини овлаш учун юрт кезиб хунар эгаллаган қамолот соҳиби. Охири, “Тўйлар муборак” билан яқунланадиган инсоний қисса. Йигит водийда қулоччилик, атласу адрас тўкиш, пичоксозлик, созгарлик хунарларини ўрганади. Кашта илмики кизкич, воҳага боради. Сўнг суйгани учун ўз қўли билан зебу зийнат ясашни ўрганиш учун Самарқанд Бухорога йўл олади, заргарлик, зардўзиликни ўрганади. Шу аснода Ўзбекистонининг барча худудларига хос бой санъатимиз бирин-бирин намоён бўлади.

Кўшнай садоланиб, “Омон-ей, омон!” ила лағзи таралади. Бухородан чиқиб, ёр пойига ўз қўллари билан тўкиган гиламни тўшаш учун Хоразмга йўл солади йигит. Чўғирмаки ярашикли, қавик тўни қоғизлар қўлида тори билан, уқлар қадалган тиллақошларида тангалари селкиллаган халфа қизлар. Бу хонишу бу рақсга ўйнамаган ҳам ўйнайди: япон ҳам, фаранги ҳам... Ахийри, киз хунарманд йигит изхорини қабул қилади. “Тўйлар муборак” таронаси остида йигитнинг хуржундан тиллақошу зебигар-

ВОДИЙ БОҒЛАРИДАН УСТЮРТ КЕНГЛИКЛАРИГА
Абжир чавандозлар қамчи ўнатиб майдонга тушадилар. Бичи-

Umrboqiy qo'shiqlar
Хофиз ХОРАЗМИЙ
ОЙ ЮЗИНГА
БАНДАМАН
Ой юзингга жон била то бандаман,
Меҳри равшандил бикин тобандаман.
Кўргали юзунг гулистонин кўзум,
Завқ бирла гул бикин пурхандаман.
Гулни ўхшатғали ол энгларингга,
Бу жиҳаттин долатак шармандаман.
Пойбўсунг даст берғали манга,
Топтим, эй жон, давлати пояндаман.
Жонни бердим бир йўла йўлнингга, лек
Ишқинг ила то қиёмат зиндаман.
Ман санга жон бирла ошиқман, вале
Сан нигоро, қандасан, ман қандаман?!
Сан шаҳаншоҳи замонсан хусн ила,
Хофизи бечоратак ман бандаман.

донлар чиқазиб келин бўлмишини ясантирадилар. Хунарли йигит кизга уйланиб, мурод-мақсадига етади.

МУНАВВАРИК
Дунёнинг ҳар чеккасида келган меҳмонларни сийлаб, ўзи ҳам севинаятган аҳли Хўқандни кўринг! Саҳнада, майдонда гўзаллик улашаётганларни олқишласак, улар миллионларга қайфият улашади. Созу овоз баралла жаранглаши учун, хунар ривожланиши учун мухит керак, рағбат керак! Ўрда ўтрусиди олтмиш-етмиш кун на офтоб тиги ва на шамолни писанд қилмай, ҳалол меҳнат қилган юзлаб ижодкорларга раҳмат!
Хулласи қалом, Кўқон шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида иккинчи Бутунжаҳон хунармандчилик фестивалининг ўтказилиши, Халқаро хунармандлар ташкилоти томонидан Кўқон шаҳрига “Дунё хунармандлари шаҳри” макомининг берилиши ўзбек халқ амалий санъатининг халқаро микёсдаги юксак эътирофи бўлди.

Латофат ТОЛИБЖОНОВА,
санъат ва маданият антропологи

Gazetxon ilhomi

**ОЙЛАРНИ
УХЛАТДИК
ЭРТАКЛАР
АЙТИБ**



Қарагин, осмон кенг, ер ҳам бепоён,
Мен эса ҳаловат истаيمان сендан.
Қарагин, сени деб типирлайди жон,
Мен эса муҳаббат излайман сендан.

Чопаман, хув парку булутни қувиб,
Ўмгирга чаяман юзларимни ҳам.
Топмасам, ўзимдан кетарман совуб,
Кўксимга бир роҳат излайман сендан.

Топишдик, суйишдик, дилга тўй бериб,
Айрилмоқ истамас эди-ку кўнгил.
Мен колдим, узокка кетдингми учиб,
Кўнгилга саёхат излайман сендан.

Ойларни ухлатдик эртақлар айтиб,
Кўёшни уйғотдик сахарлар билан.
Кутаман, биламан, келасан қайтиб,
Яна бир ижозат излайман сендан.

Дунё кенг, кўнглимиз ундан-да теран,
Яна бир гул суҳбат излайман сендан.
Қаршигда гуноҳкор бу калбим билан,
Туганмас муҳаббат истаيمان сендан.

Онажон, тандиринг битди, нонлар ёп,
Юзларинг ял ёсини чўғлар тафтидан.
Қорақуя теккан, кул чанги теккан,
Кулчалар олайин қайноқ кафтингдан.

Тандирдек ғамларни ёқарсан, она,
Чўғдек меҳринг билан тобларинг бизни.
Хар куним, тунимда сенсан парвона,
Нондек азиз билдинг хар биримизни.

Оловда қизарган юзларинг мунис,
Оловлар тафтидан қизарган кулча.
Кўлларинг ўпаман, юзинг ўпаман,
Қанча ғам кўрдинг бу кунни кўргунча.

Онажон, тандиринг битди, кулча ёп,
Кўёшдек оламга меҳрлар берсин.
Пойингда пойандоз, бўлсин-а кўксим,
Онажон, кўзларинг доимо қулсин.

Уринамиз топмоққа висол,
Талинамиз бир бор кўришга.
Олисларда бўлса-да алхол,
Биз ҳақлимиз бахтли бўлишга.

Айланади кунлар безовта,
Ой чиқади, Кўёш айланар,
Кўнглимизда орзумиз битта,
Биз ҳақлимиз бахтли бўлишга.

Кўзларингда соғинчинг расми,
Кафтларингда титрайди тилак,
Висол истаб энтикар жисминг,
Биз ҳақлимиз бахтли бўлишга.

Термуламан сувратларингга,
Қисматимга тилайман тўзим,
Термуласан сувратларимга,
Биз ҳақлимиз бахтли бўлишга.

Ох, кўксимнинг жони, нурлигим,
Олислардан сочарсан зиё,
Сен бордирсан, менинг борлигим,
Биз ҳақлимиз бахтли бўлишга.

Оёғимда қисмат занжири,
Сенинг эса мингта ғаминг бор.
Насиб этса, топармиз бахтни,
Биз ҳақлимиз бахтли бўлишга.

Мансур ХУЖАЕВ,
Фаргона вилояти

Рустам НАЗАР



**ҚИЗИЛ
ОЛМА**

Дарахтнинг энг учиди
Кўзга чўғдек босилиб,
Турар эди бир дона
Қизил олма осилиб.

МОВИЙ КЎҚДА БИР ҚУШЧА

Неча кундир Эчкивой
Туролмасди бир жойда –
Олма сари талпиниб,
Ирғишларди бефойда.

Буни кўрган Жирафа
“Эх, лапашанг!”,
деб кўйди.

Чўзди узун бўйинини
Ва олмани... еб кўйди!

ГУЖУМ

У – бахайбат, у – кўркам,
Кўчамизнинг ғурури.
Тинмас яшил бағрида
Қушлар чуғур-чуғури.

Одамларнинг дилида
Хаяжонли бир туйғу:
– Авлодларга бизлардан
Баҳоси йўқ мерос бу!

Танасини бир нодон
Пичок билан ўйибди –
“Тула плюс Валивой”
Дея ёзиб кўйибди.

Унга боқиб, вужудим
Оғриқларга тўлади –
Ахмокона ёзув ҳам
Нахот, мерос бўлади?!

**КЎРҚОҚ
ФАСЛ**

Дарахтларнинг раёйига
Қарамайди сира Қуз –

Хаммасига ранг чаплар,
Берар бир хил сарик тусл.

Лекин кўм-кўк арчани
Четлаб ўтар наридан.
Журъат этмас бўяшга,
Кўрқар... игналаридан!

**БИР
ҚУШЧА**

Мовий кўқда бир қушча
Чарх урарди айланиб.
Ховлимизга сепаб дон,
Мен кутардим шайланиб.

Bolalar bekati

Ерга тушган заҳоти
Югурардим кўргани.
Бора-бора қушча ҳам
Қолди шунга ўрганиб.

Ўрмалаб, дон чўқилаб,
Ёнимдан ҳеч жилмасди.

Сира емиш излашинг
Ташвишини қилмасди.

Қорни хар кун тўқ бўлгач,
Миннатсиз, текин донга –
Ажаб, қушча бутунлай
Учмай кўйди осмонга!

Gul ko‘p, chaman ko‘p...



БРЭДБЕРИНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Рэй Брэдбери ўзидан улкан адабий мерос: деярли мингта яқин турли жанрдаги асарлар қолдирган! Уларнинг саккиз юздан ортиги – романдан бошлаб хикояларгача – барча жанрларда ёзилган.

**ФАҚАТ ИЛМИЙ
ФАНТАСТИКА ЭМАС**

Рэй Брэдбери жаҳон адабиётида илмий фантаст ёзувчи сифатида танилган бўлса-да, унинг асосий асарлари фэнтези ва эртақ (ёки ривоят) сингари жанрларда ёзилган. Брэдберининг асосий хизмати шундаки, илмий фантастика жанрини кенг китобхонлар оммаси орасида тарғиб этди. Унга қадар мазкур жанрга деярли эътибор қаратилмасди.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ

Адиб бор-йўғи ўрта мактабни тамомлаган. Оила-си камбағаллиги сабабли на коллеж, на университет-да ўқиган. Мактабни битиргач, газета сотиш билан машғул бўлган. Аммо бу борада у кўп ташвиш чекмаган: “мен университет эмас, кутубхонани тугатганман”, деган.

**РЭЙ БРЭДБЕРИ ВА
КИНЕМАТОГРАФИЯ**

Брэдберининг асосий иши ёзувчилик бўлса-да, кино унинг хаётида муҳим аҳамият касб этган. Машҳур Хичкок билан самарали ҳамкорлик қилган ва “Қушлар” фильми сценарий муаллифи бўлишига бир баҳя қолган. Брэдбери ижодий фаолиятида кўплаб кино-сценарийлар ёзган, унинг сценарийси асосида суратга олинган машҳур фильм – “Моби Дик”. Брэдбери таникли совет кино режиссери Сергей Бондарчук билан шахсан таниш бўлган.

ИЖТИМОЙ ФАЛОКАТ

1932 – янги йил байрамида Брэдберига ўйинчок ёзув машинкаси совға қилинади. Орадан беш йил ўтгач, 10 долларга ҳақиқий ёзув машинкаси сотиб олади. XX ва XXI асрларда эришилган бир қанча буюқ ихтироларга қарамай, ёзув машинкаси Брэдберини мамнун этган камдан-кам ихтиролардан бири эди. “Фаренгейт бўйлаб 451” асари ва айрим хикояларида у “қулоққа тақиланди” радиотелефонларни башорат қилган ва уларни одамларни ёлғизлатиб қўядиган “ижтимоий фалокат”, деб баҳолаган. У ҳеч қачон компьютердан фойдаланмаган, 2009 йилга келиб, интернетни “асосан, вақт совурадиган пуч нарса”, деб атаган.

БИР ҚУШИ...

Бир гал Брэдбери, ўзининг фикрича, барча муваффақиятсиз ва бўш хикояларини йиғиб, ҳовлисида қатта гулханда ёқади. “Икки миллион сўзни ёқиб юбордим”, деган экан кейинчалик ўзидан хафа бўлиб. Бу воқеа унинг “Фаренгейт бўйлаб 451” номи романига асос бўлган. Қизиқ, романининг номидан маълумки, қоғознинг ёниш даражаси ҳақиқатан цельсий бўйича 451 даражадир. Брэдберининг хонасида F-451 автомобиль рақами турган, аммо ёзувчи ҳеч қачон машина хайдамаган экан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси Жовли Хушбоққа онаси
Роҳат ая ХУДОЙҚУЛОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билди-
ради.

“Гулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган таҳририяти жамоаси “Гулистон” журнали бўлим муҳаррири Манзура ШАМСИГА падари бузруквори
Жўрақул ота ШАМСИДДИН ўғлининг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Найиё

Тикка кўтариладиган қия йўлда
оғайнилардан бири отдан
йиқилибди. Иккинчиси эса,
от устида оғайнисига қараб
кичкирибди:

– Омадинг бор экан, ёмон
тушмадинг. Мен эса, қаерда,
қандай йиқилишимни бил-
майман.

Олти юз нафар миршаб
беш соат давомида Сул-
тон Аҳмад камокхонасини
остин-устин қилиб, ҳамма ко-
вакларни тинтиб чиқишибди.
Лекин заррача қора дори
топилмабди.

Бу хабарни чоп этган
рўзнома кўшиб кўй-
ибди: “Манфаатдор
идоралар бундан жуда
мамнун бўлдилар”.

Ё Парвардигор!
Агар бу ерда “мамнун
бўладиган” жойи бўл-
са, бу махбуслар қора
дорини яхшилаб яши-
риб кўйганидир.

Бу хикоят давлат
ишларида лоқайдлик
фақат бизда эмас, бал-
ки бошқа жойларда ҳам
борлигини кўрсатади.

Чикаго шахрида икки йигит
машинасини сарик, яъни му-
ниципалитет машиналари ран-
гига бўяб, уни муниципалитет
қурилишларидан бирининг
олдига ҳайдаб келиб, кўрго-
шин трубаларни унга юклай
бошлаганларида миршаб “уд-
дабуронларни” ушлаб олибди.

Муваффақиятга эришиш-
га ишонган ўғрилар миршаб-
нинг улардан шубҳалангани-
дан ажабланидилар. Миршаб
эса ошқамасдан:


– Сизлар чакконлик бил-
лан ҳаракат қилдинглар. Агар
сизлар чиндан ҳам муници-
палитет ишчилари бўлганин-
гизда, бунчалик ғайрат билан
ишламадингиз, – деб изоҳ
берибди.

Мухсин ҒАНИЕВ
таржимаси.

бир нави эди. Лекин иккинчи-
си қурилганидан сўнг (ахир,
саноатимиз ривожланиб бо-
раётгани сир эмас) қоғознинг
баҳоси анча қимматлашиб,
ҳатто жаҳон бозоридаги ўр-
тача нархдан ҳам ошиб кетди.
Энди учинчиси қурилармиш
(ахир, саноатимиз ривожла-
ниб бораётгани сир эмас-ку).
Хурматли қурувчилар! Худо
хайрингизни берсин, ўтиниб

**Нади ДОГАН,
турк адиби**

ШУНЧАКИ ГАПЛАР



сўраймиз, учинчи қоғоз фа-
брикасини қуриш қарорин-
гиздан қайтинг!

Овора бўласиз! Биз му-
ваффақиятимизни кўлдан
берадиганлардан эмасмиз.

Яшаш қимматлиги бўйича
Юнонистоннинг биздан ўзиб
кетишига йўл қўйиб бўла-
димиз? Бизнинг миллий бур-
чимиз Оврупо Кенгагининг
маърузасига алоҳида эътибор
беришдан иборат. Бу қан-
дайдир англашилмовчилик,
албатта. Юнонлар ўз пули-
ни қадрига қўйиб ишлаган.
Шундай бўлса-да, инсон тур-
муши қимматлиги бўйича
бизнинг олдинги ўринда ке-
таётганимиз аниқ.

– Бай-бай! Рим иккинчи
жаҳон урушида қаттиқ бом-
бардимон қилиниб, бунча та-
лофат кўргани ҳақида эшит-
маган эканман.

Икки оғайни иш ахтариб
юрганида бир раҳмдил киши
уларга маслаҳат берибди:

– Самсунгга боринглар,
Чоршанба туманидаги ден-
гойи отлар тўдаси дайдиб
юради. Иккитасини тутиб,
бу ерга келтирсангиз, пулини
оласиз.

Оғайнилар ўша манзилга
борсалар, ҳақиқатан жонзот-
лар кенгликларда ўтлаб юрган
экан. Оғайнилар аранг иккита
отнинг бўйнига аркон солиб
миниб, орқага қайтибдилар.

**‘O‘zbekiston
adabiyoti va san‘ati**



Манзилмиз: Тошкент-100066,
Бунёкдор кўчаси, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош
муҳаррир
Хумоюн
АКБАРОВ

Таҳририятга келган кўпёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан
0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1057. Буюртма Г - 1038.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ”
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюқ Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-614X

